Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

Қишлоқ ҳақиқати

1990 йил 26 январь
ЖУМА
№ 22 (4.816).

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг газетаси

1974 йил 1 январдан буён нашр этилади ◆ Душанбадан ташқари ҳар куни чиқади ◆ Баҳоси 3 тийин

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросида

24 январь куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг навбатдаги мажлиси бўлди. Бюро Тошкент шаҳар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг КПСС Марказий Комитетининг «Мамлакатда жиноятчиликка қарши курашнинг аҳволи ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш юзасидан қўшимча чоралар тўғрисида»ги қарорини ва шу масала юзасидан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети қабул қилган қарорни бажаришга доир ишидаги камчиликлар ҳақидаги масалани кўриб чиқди.

Ҳуқуқ-тартибот соҳасидаги салбий тенденциялар кучайганига қарамай, шаҳар ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг раҳбарлари ташаббуссизлик билан ва тарқоқ ҳолда ҳаракат қилаётганликлари, жиноятчиликка қарши курашни ташкил этишдаги камчиликларга муросасозлик билан муносабатда бўлаётганликлари мажлисда таъкидлаб ўтилди. Уларга бўйсунувчи район бўлинмалари ҳуқуқ-тартибот, қонунийлик ва одил судловни амалга ошириш соҳасида юз бераётган жараёнларни чуқур таҳлил этишни таъминламаётирлар.

Муҳокама чоғида прокуратура, милиция ва судларнинг ҳаракати самараси камлигидан шаҳар меҳнаткашлари асосли равишда норози бўлаётганликлари уқтириб ўтилди. Республикада рўйхатга олинаётган ҳар тўрт жиноятдан бири Тошкент шаҳрида содир бўлмоқда. Жиноятлар сони йилдан-йилга кўпайиб бормоқда ва айниқса 1988—1989 йилларда кескин ўсди. Шу билан бир вақтда ўтган йили 11 мингдан ортиқ жиноятни содир этган шахслар аниқланмай ва жазоланмай қолди. Гражданларнинг шахсий мулкига тажовуз қилишга, зўрлик ишлатиб қилинган жиноятларга, хизмат кўрсатиш ва кооперация соҳасидаги суиистеъмолларга, чайқовчиликка, социалистик мулкни ўғирлашга, группа бўлиб жиноят қилишга қарши кураш бўшаштириб юборилди.

Прокуратура ва ички ишлар органларининг, аниқса тергов аппаратларининг, жиноий қидирув, жамоат тартибини муҳофаза қилиш, социалистик мулкни ўғирлашга қарши кураш, давлат автоинспекцияси бўлинмалари ва хизматларининг раҳбарлари, участка инспекторлари ўзаро баҳамжиҳат ҳаракат қилмаётирлар, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашда мавжуд имкониятлардан фойдаланмаётирлар. Уларнинг куч-ғайратлари жиноий хатти-ҳаракатларнинг олдини олишга, группа бўлиб қилинган жиноят ташкилотчилари ва иштирокчиларини, социалистик мулкни талон-торож қилувчиларни ва порахўрларни фош этиш ва жавобгарликка тортишга, чайқовчилар, ўғрилар ва талончилар хатти-ҳаракатларига чек қўйишга қаратилмаган. Шаҳар ва район халқ судлари, адлия муассасалари фаолияти ошиб бораётган талабларга мос келмайди. Ҳуқуқий тарбия пала-партиш олиб борилмоқда, энг долзарб суд мажлислари тўғрисида жамоатчилик камдан-кам хабардор қилинмоқда. Судларда жиноий ишларни кўриб чиқиш чоғида сансалорлик ва хатоларга йўл қўйилмоқда, бу эса айрим айбдор шахслар узоқ вақт давомида ҳақли жазодан четда қолишига ва етказилган заларни тўлдамай юришига имкон бермоқда.

Тошкент шаҳар, район партия комитетлари, халқ депутатлари Советларининг ижроия комитетлари профилактика чораларини ишлаб чиқишга расмиятчилик билан ёндашмоқдалар. Бундай чоралар районларни иқтисодий ривожлантириш планларидан ажралиб қолмоқда, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларининг иш ва турмуш шароитини яхшилаш тўғрисида чинакам жон куйдирилмаяпти.

Жиноятчиликка қарши курашда шаҳар мувақкат комитети ўз ишини анча кечикиб бошлади. Республика ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари жиноятчиликка қарши курашни ташкил этишда шаҳарга ва ўз бўлинмаларига таъсирчан ёрдам бермаётирлар.

Марказий Комитет бюроси Тошкент шаҳар партия комитетининг, район партия комитетларининг, халқ депутатлари шаҳар ва район Советлари, шаҳар ва республика ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари коммунист раҳбарларининг эътиборини жиноятчилик кўпайиб боришини тўхтатишда, гражданларнинг ҳаётига, шаънига, мулкига ва давлат манфаатларига кўз олайтирган шахсларнинг муқаррар жазоланишини таъминлашда сусткашликка ортиқ йўл қўйиб бўлмаслигига қаратди. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоларининг раҳбарлари жиноятчиликка қарши курашда туб бурилишни таъминлаш, кадрларни аттестациядан ўтказиш ва уларни янада тозалаш, шунингдек биркитилган иш участкасида тартиб ўрнатишга қодир бўлган профессионал кадрлар негизини яратиш учун шахсан жавобгар эканликлари тўғрисида огоҳлантирилдилар.

Уларга бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда Тошкент шаҳрида жиноятчиликка қарши кураш, ҳуқуқ-тартибот бузилишининг олдини олиш юзасидан ташкилий-техникавий, мафкуравий ва ҳуқуқий чоралар программасини шу йил 1 мартга қадар ишлаб чиқиш, Тошкент шаҳар ижроия комитети адлия бошқармаси, Акмал Икромов ва Октябрь район халқ судлари, адлия ходимлари малакасини ошириш республика курси, Акмал Икромов район ижроия комитети ички ишлар бўлими иши учун тегишли шарт-шароитни яратиш масаласини ҳал қилиш таклиф этилди.

Бюро Тошкент шаҳридаги совет, касаба союз, комсомол, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва хўжалик идоралари раҳбар коммунистлари зиммасига шу йилнинг биринчи ярмида меҳнат коллективлари кенгашлари билан биргаликда ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилишни таъминлашга ҳар бир корхона, муассаса, ташкилот кўшадиган аниқ улушни белгилаш ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоларига моддий, молиявий, техникавий ёрдам бериш масалаларини ҳал қилиш вазифасини юклади. Кўнгилли халқ дружиналари, ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш жамоатчилик пунктлари, ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш кенгашлари, ичкиликбозликка қарши кураш комиссиялари, ўртоқлик судлари, савдо умумий овқатланиш корхоналари фаолияти устидан ишчи назорати комиссияларининг фаолиятини сифат жиҳатидан янгилаш вазифаси қўйилди. Бошланғич партия ташкилотларида ижтимоий фаолиятнинг ана шу соҳаларини раҳбарлар, мутахассислар, ишлаб чиқариш илғорлари орасидаги ташаббускор, принципиал коммунистларга топшириш керак.

Марказий Комитет бюроси республикада юбилей билан боғлиқ маданий тадбирлар, адабиёт ва санъат байрамлари, симпозиумлар ва конференцияларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишни тартибга солиш тўғрисидаги масалани муҳокама қилди. Тегишли республика комиссияси тузилиб, унга манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда ана шу масалалар юзасидан таклифларни ишлаб чиқиш ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советига тақдим этиш топширилди.

Мажлисда республика агросаноат комплекси илғорлари қурултойини 1990 йил 16—17 март кунлари Тошкент шаҳридаги В. И. Ленин номли халқлар дўстлиги саройида ўтказишга қарор қилинди. Қурултойга тайёргарлик кўриш Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик давлат-кооператив комитети зиммасига юкланди.

СИРДАРЕ ОБЛАСТИ. Мирзачўл районидаги Абай номли совхоз меҳнаткашлари ўтган йилни муваффақиятли якунладилар. Пахта, бошқа қишлоқ хўжалик ва чорва маҳсулотлари бўйича белгиланган планлар ошириб уддаланди. Чўлқуварлар бугунги кунда кўклам тараддуди билан шуғулланмоқдалар. 55 та чопиқ трактори, 30 та чигит экиш агрегати, 18 та чизель, 16 комплект борона янги мавсумга тахт этиб қўйилди.

СУРАТДА: совхоз директори, Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзод Абдураҳмон Оқилбоев, механизатор Дўстмурод Аристонов ва токарь Иван Бойко ремонт ишларини кўздан кечиришмоқда.

У. ҚУШВОҚОВ олган сурат.

МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАМИЗ

500 ЎРИНГА 1.134 ДАЪВОГАР

Ўзбекистон ССР халқ депутатлари сайловини ўтказувчи Марказий сайлов комиссиясининг раиси Т. Ҳ. СОБИТОВ «Қишлоқ ҳақиқати» саволларига жавоб беради

— Газетхонларимиз ҳозирги кунларнинг энг ташвишли, ғалвали, шу билан бирга масъулиятли ва шарафли вазифаси зиммангизга юкланганлигини ҳис қилиб туришибди. Сизга қоят оғир эканлигини улар яхши билишади.

— Мен бу лавозимни аввало партия ва давлат топшириғи, кўпнинг хизматини бажариш, келажакдаги ишларимиз равнақу ривожига ҳисса қўшиш рамзи деб биламан. Биз озчилик эмасмиз: Ўзбекистон ССР Олий Совети томонидан ўтган 1989 йил 20 октябрда 25 кишидан иборат комиссия тузилганди. Унинг аъзоларидан тўрт нафари республика халқ депутатлигига номзод қилиб кўрсатилганлиги муносабати билан 21 киши қолдик. Имкони борича ғайрату кучимизни аямай тер тўкиб ишлаяпмиз. Тиним йўқ, бош қашишга қўл тегмайди десам ишонаверинг.

— Бундан бир ҳафта-ўн кун муқаддам, аниқроғи 17 январда депутатликка номзодларни рўйхатга олиш тугалланди. Унинг натижалари хусусида мухтасаргина маълумот берсангиз.

— Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига сайлов ўтказувчи 500 та округ тузилганини биласиз. Ҳар округдан бир киши сайланиши ҳам аён. Жами 1.134 номзод рўйхатдан ўтказилди. Диққатга сазовор жиҳатини қаранг: 175 та округда ёки округларнинг 35 фоизида биттадан номзод қолган бўлса, худди ана шунча округда иккитадан даъвогар рўйхатга кирди. Қолганлари ҳам газетхонларни қизиқтириши табиий: округларнинг 74 тасида учтадан, 37 тасида тўрттадан, 19 тасида 5 тадан, 13 тасида 6 тадан, 4 тасида еттитадан, 3 тасида саккизта ва ундан ортиқ номзод бор.

— Уларнинг таркибини биргалашиб таҳлил қилсак...

— Марҳамат! Минг нафари КПСС аъзолари ва аъзоликка кандидатлар эканлигини таъкидлаш баробарида Коммунистик партиянинг жамиятимизда тутган раҳбарлик ва йўналтирувчилик ўрнига халқнинг ихлоси баландлигига қаноат ҳосил этамиз. Ўзингизга маълум — СССР халқ депутатлари иккинчи съездида, СССР Олий Советининг кузги сессиясида СССР Конституциясининг 6-моддасини қомусдан чиқариб ташлаш хусусида анчайин гапсўз бўлганлигига қарамасдан коммунистларга юксак ишонч билдирилганлиги бежиз эмас. Совет Ўзбекистони партия ғояларига содиқлигича қолаётганидан мамнунмиз.

— Фикрингиз маъқул. Лекин ВЛКСМ аъзолари салмоғи ҳам шунга лойиқми!

— Афсуски, йўқ. Улар атиги 19 нафар. Буни мен мутлақо етарли эмас, деб ҳисоблайман.

Энди мана бу рақамларга эътибор қилинг. Рўйхатга олинганлар орасида ишчилар синфининг вакиллари 150 кишини ёки 13,2 фоизни, колхозчилар 171 нафарни ёки 15,1 фоизни, халқ хўжалиги барча тармоқларининг раҳбарлари ҳамда мутахассислари 359 кишини ёки 31,6 фоизни, партия ходимлари 105 нафарни ёки 9,2 фоизни, совет ташкилотларида ишловчилар 66 кишини ёки 5,2 фоизни, касаба союз фаоллари 17 нафарни ёки 1,5 фоизни, комсомол ташкилотларининг етакчилари 7 кишини ёки 0,6 фоизни ташкил этишади. Фан, маориф, соғлиқни сақлаш, адабиёт ва санъат жабҳасининг вакилларидан 135 нафари рўйхатга олиндики, бу умумий номзодлар салмоғининг 11,9 фоизи демак.

— Бизнинг касбдошларимизга, яъни матбуотчиларга нечта ўрин насиб қилди!

— Журналистлар вакиллари-дан 16 нафари номзодлар қаторидан жой олишган. Бу оз эмас.

— Шу ўринда фикримни изҳор қилиб қолай, майлими! Биз оз эмас, кўп эмас, 6 минг кишилик лашкармиз. Ҳа, мафкуравий соҳа лашкарларимиз. Шулардан 4 мингги — СССР Журналистлар уюшмасининг аъзолари. Иложимиз қанча! Қозоғистон ва Белоруссиядан ташқари ҳамма жойда, жумладан бизда жамоат ташкилотларидан, ижодий уюшмалардан ва ҳоказолардан депутатликка ўрин берилмагач ҳаспаримиз дилимизда қолаверади-да. Айтгандай, ўша ўн олти номзоднинг бир қисми республика газеталарининг муҳаррирлари, яъни раҳбарлар эканлигини назарда тутинг. Рўйхатдаги қаламкашларнинг айримлари сайловда мағлуб бўлишлари ҳам эҳтимол. Демак, Олий Советимизда оддий журналист йўқ ҳисоби деяверинг!

—Мумкин, бир нарса дейиш қийин.

— Бўпти, гапни давом эттирайлик. Номзодлар таркиби хусусида яна қандай маълумотларни шарҳламоқчисиз!

— Рўйхатга олинганларнинг 76 нафари турли фанлар номзоди, илмий унвонлар соҳиби, 15 киши Ленин мукофоти ва СССР Давлат мукофоти лауреатлари, 9 номзоднинг кўксини Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Олтин юлдузи безаган, 546 киши СССР орденлари ҳамда медаллари билан тақдирланган, 54 нафари илгари СССР Олий Совети ва Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига сайланган, 553 киши Қорақалпоғистон АССР Олий Совети ва маҳаллий Советлар депутатларидир.

— Миллий жиҳатдан Ўзбекистонимиз яна қойил қолдирса керак!

— Шубҳасиз. Номзодлар 22 миллат ва элат фарзандларидан иборат. Улар орасида ўзбеклар, қорақалпоқлар, руслар, украинлар, белоруслар, қозоқлар, тожиклар, туркманлар, қирғизлар, немислар, қрим татарлари, корейслар, месхети турклари, яҳудийлар, уйғурлар, мордвинлар, греклар, осетинлар ва бошқа миллат ҳамда элатларнинг вакиллари бор. Буни мен чинакам байналмилалчилик, дўстликнинг қадр-қимматига етиш, уни зъзозлаш деб биламан.

Депутатликка даъвогарларнинг ёши ҳам диққатга молик. 30 ёшгача бўлганлар 85 кишини ёки 7,5 фоизни, 31 ёшдан 40 ёшгача бўлганлар 294 нафарни ёки 25,9 фоизни, 41 ёшдан 50 ёшгача бўлганлар 442 кишини ёки 39 фоизни, 51 ёшдан ошганлар 413 нафарни ёки 36,4 фоизни ташкил қилади.

— Мавсумнинг ҳозирги долзарб палласидаги энг муҳим вазифаларни қисқача баён этиш билан суҳбатимизни якунласак...

— Эндиликда депутатликка номзодларнинг сайловчилар билан учрашувлари, улар ҳақида тарғибот-ташвиқот юритиш биринчи ўринда турибди. Бу иш аллақачон бошланиб кетди. Меҳнат коллективларида, ўқув юртларида, маҳаллаларда ўтказилаётган мулоқотлар республикамиз аҳолиси қайта қуриш муаммоларига бефарқ қарамаётганлигини, иқтисодий, молиявий, ижтимоий, маънавий ва ҳоказо соҳалардаги инқирозу тушкунликка тезроқ барҳам бериш ниятида эканлигини яққол намойиш этмоқда. Округ сайлов комиссиялари, партия ташкилотлари, маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари, шубҳасизки номзодларнинг ўзлари одамлардан тушаётган таклифларни, улар билдираётган фикр-мулоҳазаларни имкони борича тўлиқ ҳисобга олмоқдалар. Лекин бир нарса хусусида огоҳлантирмоқчиман: халққа осмондан юлдуз узиб беришни, тоғни талқон қилишни, боғни Эрам яратишни ваъда қилишдан тийилмоқ керак. СССР халқ депутатлигига сайловлар арафасида айримлар худди шундай йўл тутишганини, эндиликда юзлари шувут бўлаётганини эслатсак арзийди.

— Вақтингизни олганлигим учун узр, маъмунли суҳбат эвазига чин қалбдан ташаккур билдираман!

— Раҳмат! «Қишлоқ ҳақиқати» сайлов мавсуми билан боғлиқ масалаларни янада изчил ёритади, унинг муштарийлари номзодларга яқдилона овоз беришади деб ишонаман.

* * *

Тўлқин Ҳамидович Собитов билан мусоҳаба баёнини тугатиб нуқта қўярканман, дилимдан аллақандай ҳам ғалинж, ҳам шубҳа шарпалари кечганини сездим. Бизнинг Олий Советимиз қанақа бўларкин? Айтайлик, довюраклик, чўрткесарлик, ҳайиқмаслик, қонунларни ишлаб чиқиш ва муҳокама қилишда билимдонлик, халқ, жамият, давлат, ҳукумат манфаатларини ўйлаб иш тутиш масалаларида қандай нуқтан назарни кўзлашаркин?

Қуйидаги далилни аниқлаганимдан сўнг бояги тўйғу янада кучайди: қарангки, номзодлар орасида атиги икки оддий юрист — Андижон областидаги 139-Охунбобоев сайлов округидан Ўзбекистон ССР прокуратурасининг катта терговчиси Турсунбой Мирзаев, 245-Фрунзе (Наманган шаҳри) округидан адвокатлар уюшмасининг оқловчиси Абдураҳим Темиров бор экан. Етарлими бу? Йўқ асло! Ахир ССР халқ депутатларининг салмоқли бўлаги қонуншунослар, амалиётчи юристлардан иборатлиги аён-ку! СССР Олий Советининг аъзоси Анатолий Александрович Собчакнинг ёлғиз ўзи кўрсатаётган хизмат қанча туришини ким ҳам баҳолай оларди! Ўзбекистоннинг олий ҳокимиятида иқтисодчилар, молиячилар, планлаштирувчилар, хорижнинг ўзидан ишлаб чиқиш ва муҳокама қилишда билимдонлик, халқ, жамият, давлат, ҳукумат манфаатларини ўйлаб иш тутиш масалаларида қандай нуқтан назарни кўзлашаркин?

Ҳаммасини келажак кўрсатади. Қайта қуриш ойнаси яққол акс эттиради. Ўтадиган сайловнинг одил ёки ноодиллигини ҳеч нарсага сотилмайдиган буюк тарозибон — вақт белгилайди!

А. ГУЛОМОВ.

Ўзбекистон Компартиясининг ҳаракат дастурини ўқиб

ХАЛҚҚА СУЯНГАН ЙИҚИЛМАЙДИ

Бундан ўн йил муқаддам Янгиариқ район марказида биргина муҳташам бино бор эди. У кенг майдон ўртасида жойлашган бўлиб, район партия комитети ва халқ депутатлари район Совети ижроия комитети жойлашганди. Ўша кезларда бу салобатли бинога оддий ишчи, колхозчи, зиёли ёки пенсионер эмин-эркин кириб чиқиш амри маҳол эди. Чунки тўраларча иш услубига, меҳнаткашларни қабул қилиш талаблари ва тартибига ҳамма ҳам дош беравермасди.

Қайта қуриш, ошкоралик шарофати билан бу иллатлар барҳам топмоқда. Раҳбарликнинг маъмурий-буйруқбозлик, хонадан туриб ишни бошқариш сингари ярамас усулларидан воз кечилди. Партия билан халқ ўртасидаги ҳар қандай тўсиқ олиб ташланмоқда. Тўғри, бунга осонликча эришилаётгани йўқ. Район партия комитетининг янги саркотиби Эгамберган Ҳакимов, райком бюроси аъзолари турғунлик йилларида шаклланган, эндиликда эскирган иш услубларини ўзгартириш учун озмунча тер тўкмадилар. Бир мисол: тажриба тариқасида ўтказилган райком кунлари бирон-бир натижа беришига дастлаб омма тугул, ҳатто айрим раҳбар ходимлар ҳам ишончсизлик билан қараширди. Лекин янгилик ўз самарасини барчага намоён этди. Ҳозирги пайтда нафақат, райком, балки совет, савдо, медицина, маъмурий ходимлари кунларини ўтказиш ҳам жорий қилинган. Корхоналар, ташкилотлар, муассасаларда, колхозлар ва совхозларда халқ билан бўлаётган қизғин, амалий мулоқотларда партия турмушини, жамиятни инқилобий янгилашга халақит бераётган камчилик ва нуқсонлар рўй-рост очиб ташланмоқда. Шунингдек, бундай учрашувлар партия, совет, хўжалик раҳбарларини ўзига хос чиниқтириш мактаби вазифасини ўтамоқда.

Райком ходимлари халққа тобора яқинлашиш мақсадида иш услубларини муттасил такомиллаштирмоқдалар. Бу борада омма билан ишлашнинг секретарлар қабул қилишидан тортиб, маҳаллада келинлар билан суҳбат ўтказишгача — турли шаклларидан самарали фойдаланилмоқда. Оқибатда одамларнинг район партия комитетига ишончи кўчайди. Меҳнат коллективларида тартиб-интизом мустаҳкамланиб, топшириққа масъулият сезиларли даражада ортди. Районда кейинги пайтларда хавфли жиноят у ёқда турсин майда безориликлар ҳам камаймоқдаки, булар кўрилаётган тадбирлар натижасидир.

2000 йилгача бўлган даврда район халқ хўжалигини ривожлантириш, меҳнаткашларга ижтимоий хизмат кўрсатишни тубдан яхшилаш юзасидан белгиланган режалар муваффақиятли бажарилмоқда. Янгиариқликлар бир неча йилдан бери давлатга пахта, дон, гўшт, бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сотиш топшириқларини ошириб адо этмоқдалар. Шу боисдан ялпи даромад 1985 йилга нисбатан бир ярим баравар кўпайди. Меҳнаткашларнинг ойлик тўртача иш ҳақи 125 сўмдан 168 сўмга етди. Кўплаб маданий-маиший хизмат кўрсатиш бинолари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Биргина ўтган йили район марказида 500 минг сўмлик ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.

Янгиариқ районининг меҳнат аҳли ҳам республика халқ депутатлари ва маҳаллий Советлар сайлови муносабати билан Ўзбекистон Компартиясининг ҳаракат дастурини зўр қизиқиш билан ўқиб-ўрганмоқда. Ундаги йўл-йўриқлар асосида районни ҳар томонлама ривожлантиришнинг, халқ фаровонлигини юксалтиришнинг аниқ тадбирлари белгиланмоқда.

— Келгуси беш йилликда район саноатининг ишлаб чиқариш қуввати ҳозиргига қараганда камида уч баравар ортади, — дейди халқ депутатлари район Совети ижроия комитетининг раиси Н. Юсупов. —Бу даврда Ока автомобиль заводининг филиали, тикувчилик фабрикаси, бошқа бир қанча йирик корхоналар қурилиб, ишга туширилади. Ҳаракат дастурида қишлоқларда ҳунармандчилик, косибчиликни жадал йўлга қўйиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналарни кўпайтириш таъкидланган. Бу борада ҳам ўз режаларимизни белгилаб олдик.

Район қишлоқларида талай ижтимоий ўзгаришлар содир бўлмоқда. Кейинги йилларда бир нечта ҳунармандчилик ва қайта ишлаш корхоналари барпо этилди. Республика партия ва ҳукуматининг кўрсатмалари асосида қисқа муддат ичида 6 мингдан зиёд кишига қўшимча томорқа участкалари берилди. Таъкидлаш керакки, бундай ер олган оилаларнинг кўпчилиги хўжаликлар билан гўшт етиштириш юзасидан шартнома туздилар. Хонадонларда бўрдоқи боқувчилар меҳнати иш стажига қўшилади. Шу тариқа серфарзанд уй бекаларига меҳнат дафтарчаси очилиб, улар пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлишди.

Ҳаракат дастурида республикада пахта яккаҳокимлигига бутунлай барҳам беришга алоҳида тўхталинган. Районда бу соҳада талай ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, мавжуд 12 минг гектар суғориладиган ернинг 2000 гектардан ошиқроғи деҳқонларга бўлиб берилди. Боғ ва токзорлар, сабзавот ва полиз экиладиган майдонлар тобора кенгайтирилмоқда. Жорий йилда 100 гектар боғ яратилади, озуқа етиштириладиган пайкаллар тўрт баравар кўпаяди. Ўзбекистон Компартиясининг ҳаракат дастурини муваффақиятли амалга ошириш юзасидан район партия комитети ва халқ депутатлари район Совети ижроия комитети белгилаган тадбирларда ёш авлод тарбиясига кенг ўрин берилган. Айни пайтда мактаблар, болалар муассасалари бинолари қурилиши тезкорлик билан бажарилаяпти. Келгуси йилдан район мактабларида областда биринчи бўлиб ўқиш-ўқитиш бир сменада олиб борилади. Жажжи ўғил-қизларни боғчаларга жалб этиш 50 фоизга етказилади. Оналик ва болаликни муҳофаза қилишга бош вазифа сифатида қаралмоқда. Бултур 120 ўринли болалар касалхонаси, 150 беморни қабул қилувчи поликлиника бинолари фойдаланишга топширилди.

Қишлоқларда хонадонларни табиий газ, водопровод суви билан таъминлаш ишлари жадал давом эттирилмоқда. 1989—2000 йилларга мўлжалланган программа ўтган йили 27 минг квадрат метр турар жой қурилиши кўзда тутилганди. Бу 31 минг квадрат метр қилиб бажарилди. Юзлаб оилалар якка тартибда уй-жой қуриш учун ер олдилар.

— Районимизда янгиланиш, покланиш куртаклари серавж барг ёзмоқда, — дейди район ветеранлар кенгашининг раиси Мадиёр Еқубов. — Муҳими, партия халқ томон юз буриб, меҳнаткашларнинг ҳақиқий йўлбошчисига айланди.

Район марказини айланаман. Бугунги кунда бир-биридан кўркам, муҳташам бинолар анча кўп, улар кўзга қувонч, қалбга ифтихор бағишлайди. Бу ердаги барча йўллар янгиариқлик коммунистларнинг бош штаби — район партия комитетига бошлаб келади. Райком бинои Вафоевани учратдим.

— 32-ҳунар-техника билим юртига кетаяпман. «Халқ билан бирга қайта қуриш йўлидан» мавзуида ягона сиёсий кун ўтказамиз, — деди у.

Эндиликда бу бинога ҳамма тортинмай кириб чиқади. Республика Компартиясининг ҳаракат дастури асосида белгиланган тадбирлар амалга оширилгач эса партия билан халқимизнинг бирлиги, ҳамкорлиги янада мустаҳкамланишига шубҳа йўқ.

Ҳ. РАҲМОНОВ.
«Қишлоқ ҳақиқати»нинг мухбири.

НОМЗОДЛАР

Комилжон УМАРОВ: «МЎЪЖИЗА ЯРАТИШНИ ВАЪДА ҚИЛМАЙМАН»

Ҳар сафар йўлим Фарғонага тушганда қалбимни ўзгача завқ, иштиёқ забт этарди. Ўзбекистоннинг бу зумрад маскани билан юзлашиш кимни ҳам энтиктирмайди, дейсиз.

Лекин ўтган 1989 йил олтин водий таржиман ҳолига бир кўланка ташладики, ундан бутун мамлакат қалқиб тушди. Кимдир Фарғона фожиасини кутилмаган ҳол деса, бошқа биров азалдан режалаштирилиб келинган, дея баҳо берди. Тарихчилар ўз сўзларини маъқул этишса, социологлар яна бир янги йўналишни «кашф қилишди». Бироқ ким нима демасин, воқеа содир бўлди.

Бутун мамлакатнинг нигоҳини қаратган, қалбини безовта қилган ана шу сертаташвиш кунларга демократия ва ошкораликнинг кенг кўлам касб этиши ҳам дахлдор дейишганда, гапнинг рости, унча қўшилмагандим. Аммо чуқурроқ ўйлаб қаралса, қайта қуриш туфайли ҳар бир одам ўзлигини англаб етиши, қадриятларни янгидан идрок этиши қалбнинг ички туғёнига сабаб бўлдимикан?!

Хўш, ўша алғов-далғов кунлари Фарғонада кимга қийин бўлди? Энг аввало барча балоларни енгиб ўрганган заҳматкаш халқ уқубат чекди. Бу можаларнинг бош жабридийдаси бегуноҳ меҳнат аҳли бўлди. Марказий матбуотнинг узун «таёқлари» ҳам аввало мана шу омма бошида синди. Шуларни тўла эътироф этган ҳолда яна бир фикрни айтсам, қўшиларсиз, деган умиддаман: фожиа кунлари ва ундан буён ҳам раҳбар зотига жуда қийин бўлди. Негаки, ўша қалтис ва таҳликали онларда бир қатор лавозимдор кишилар халқ ишончини йўқотиб қўйишди, сабр-тоқатли, элини ўйлаган раҳбарлар ҳам ўша ишончсизликнинг улушини асослиасоссиз ўз гарданларига олдилар. Худди ана шундай ўй-мулоҳазалар билан Фарғона сафарига отландим.

Қалб жароҳатига малҳам босилаётган бу диёрда ҳозирги кунлардаги вазият, халқнинг аҳвол-руҳиятини билиш истаги мени йўлга чорлаганди. Узил-кесил шундай дейишдан тортинмайман: бугунги Фарғона ўзининг тарихида ҳозиргидек фаол сиёсий поғонага чиққан эмас.

Ола-тасир кунларнинг ўтли нуқталаридан бири — Тошлоқ районидаман. Бу ерда демократия, ҳур фикрлилик шунчалар сингиб кетганки, уни пайқамай иложингиз йўқ. Энди бу жойларда уюштирилган йиғилишлар, қолипга тушган нутқлар кетмайди. Одамлар ўз ҳаётларини икки босқичга: саксон тўққизинчи йилнинг бошигача ва ундан кейинги даврга бўлишаяпти. Муҳим сиёсий тадбир — Ўзбекистон ССР халқ депутатлари ва маҳаллий Советлар сайлови бугунги Тошлоқнинг долзарб мавзуи. «Бизга қандай депутат керак?» — Ана шундай савол ҳар бир тошлоқликни лоқайд бўлишга йўл қўймаяпти. Халқимизнинг дардини, муаммоларини дилдан англаб етадиган, уни олий ҳокимият минбарига чиқара оладиган муносиб номзодлар борми? — деган саволга районнинг турли бурчакларидан «Ҳа, бор» дея акс садо келмоқда. Буни қаранки, 436-Тошлоқ сайлов округи бўйича икки, уч номзод кўрсатилгач, ҳеч ким: «Етар, шулардан бирини сайлайлик», — демабди. Тўртинчи, бешинчи номзод халқ номидан тилга олингач, олтинчисини ҳам рўйхатдан ўтказиб эл ҳукмига ҳавола қилишибди. Бир ўринга олти даъвогар! Эҳтимол, худди шу ҳолат роппароса бир йил илгари бўлганида сайловолди конференцияси ўтказилар, улар ичидан бир ёки икки киши қолдириларди. (СССР халқ депутатлари сайловида худди шундай бўлган). Нега бу сафар ҳам шу йўлдан борилмади, ахир, конференция ўтказиш қонунда кўзда тутилган-ку? Бу саволимизга тошлоқликлар зукко жавоб қайтаришди: ҳа, ўтказиш мумкин дейилган, лекин шарт деган жойи йўқ-ку. Бизнингча, чинакам номзод бир неча вакилларнинг эмас, бутун ҳалқнинг овозини олиши лозим.

Районнинг 437-Заркент сайлов округидан номзодлиги Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига кўрсатилган сув хўжалиги бўлими бошлиғи Комилжон Умаров ҳақида батафсилроқ ҳикоя қилмоқчиман. Мен ҳали сўзим бошида Фарғонанинг оғир дамларида раҳбарларга осон бўлмаганини айтгандим. Комилжон ака ўша ғала-ғовур кунлари (ҳатто тунлари) ўз халқи ичида бўлиб, унинг юкини елкасига олган раҳбарлардан биридир. Баъзи амалдорлар ширин жонларини ўйлаб «эҳтиёт чораси»ни кўрган пайтларда сувчилар сардори ҳафталаб оёғидаги этигини ечмай, воқеанинг қайноқ нуқталарида бўлди.

— Нима бўлмасин, суяги далада қотган Фарғона деҳқони ғўзасини ўйлади, кўзда тикланажак хирмонини кўз олдига келтириб ишлади,— деб ўша кунларни хотирлайди Комилжон ака. — Биз эса унинг меҳнат маромини таъминлаш учун барча чорани кўрдик.

Албатта, биз — қаламкашлар бирор киши ҳақида (бу ўринда депутатликка номзод хусусида) ёзар эканмиз, уни жамики ижобий фазилатларни ўзида мужассамлаштирган инсон сифатида тасвирлашга интилгандек бўламиз. Лекин ҳаётда нуқул яхши хислатлар соҳиби бормикан?! Ахир, одам боласи табиатнинг мураккаб бўлаги дейишади-ку.

Худди шунингдек депутатликка номзоднинг сайловчилар билан учрашувларда айтадиган нутқлари ҳам кишини ўйлантиради. Беихтиёр Ҳамзанинг «Мени сайланг, мени сайланг» деган сатрларини ёдга оламиз. Агар бу учрашувларда номзод бир неча киши бўлса, ваъдабозлик бўйича мусобақа ўтказилаяптими, деб ўйлайсиз. Ҳар бир даъвогар ўзининг жозибадор нутқи билан сайловчилар қалбини забт этгиси келади. Комилжон акада худди ана шу хусусият йўқ. Нимани ўйласа, шуни деҳқонга хос содда, самимий баён этади.

У кишининг номзодини кўрсатиш ҳам жиндай тарихга эга. Иигирма икки йилдан буён район Совети депутатлигига сайланиб келган бу одам, очиғи, республика ҳокимият органига номзод этиб кўрсатилишини ўзи ҳам кутмаган эди. «Фалончини депутатликка кўрсатайлик» деган таклиф асли қаердан келиб чиқади? Бунинг замини турли-тумандир. Бир ўринда номзод ўзи ишлаётган коллективдан таклиф қилинса, айрим ҳолларда истиқомат жойидан кўрсатилади. Комиджон Умаровни райондаги «Партия ХХII съезди» колхози аъзолари муносиб топишди. Гап шундаки, сув хўжалиги бўлими бошлиғи асли районнинг бошқа мавзеи (округ)дан бўлиб, «бизнинг маҳалладан ҳам депутат чиқсин» деган тор маҳаллийчилик кайфиятидагилар ушбу ҳолдан ажабланишди. Комилжон ака бу юксак ишончдан руҳ олиб, ўзини янада ғайратли фаолият кўрсатишга чоғлаяпти.

— Мен сайловчиларга мўъжиза ваъда қилмайман, — дейди депутатликка номзод. — Ахир, эл олдида субутсиз бўлиб қолишдан ёмони борми? Аввало менга билдирилган ишончнинг ўзи бутун кучимни сарфлаб ишлашга чорлайди. Депутат бўламанми-йўқми, ўз зиммамдаги вазифамни виждонан бажаришга сўз бераман. Бу йил ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун 34,8 километр районлараро, 40,8 километр хўжаликлараро, 80 километр ички хўжалик зовурлари тозаланади, 618 минг куб метр тўпроқ ишлари бажарилади. 20,5 километр хўжаликлараро ариқлар ва 3 километр ёпиқ зовурлар тозаланади. Шу йилнинг ўзида 2- «Қоратепа» канали давомига 3.129 метр узунликда лоток ариқлар ўрнатилади. Тўлиқ реконструкциядан кейин «Фарғона», «Ленинград», «Партия ХХII съезди», колхозларининг 1.288 гектар экинзори сув таъминоти яхшиланади. «Коммуна» ва Куйбишев номли колхозларда аҳволни ўнглаш мақсадида Бесаранг ариғини ремонтдан чиқарамиз.

Суҳбатдошимиз айтганидек, булар унинг хизмат юзасидаги вазифалари. Лекин у депутатлик шаҳодатномасини олгач, фақат сув хўжалиги соҳаси билан чегараланиб қолмоқчи эмас. Унинг сайловолди дастурида Тошлоқда чорвачиликни ривожлантириш, озуқа базасини мустаҳкамлаш учун алмашлаб экиш режаларининг ижросини таъминлаш, аҳоли учун ажратилаётган томорқа хўжаликларининг имкониятини ошириш, боғлар бунёд этиш, тиббий хизматни яхшилаш каби қатор бандлар ўз ифодасини топди.

Бугунги сайловчилар қайта қуриш даврининг синовлари билан депутатликка номзодлар фаоллигига жўшқинлик бахш этишаяпти. Эндиликда эл ишончини қоғозда эмас, амалда оқлаш керак. Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзод Комилжон Умаров ана шу ниятни қалбига жо этиб яшаяпти.

Ш. ЖАББОРОВ,
«Қишлоқ ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

МОСКВА. «ЗИЛ» нхтирочилари медицина асбоблари чидамлилигини оширишга ёрдам бердилар. Улар вакуумда буюмлар сиртини кам емирладиган қотишма билан қоплаш усулини ишлаб чиқдилар, синовдан ўтказдилар ва жорий этдилар. Ихтирога патент олган автозавод металлургларининг ижодкор коллективи жуда муваффақиятли қотишмани яратдилар. Бу қотишма юзаларнинг фақат мустаҳкамлигини эмас, унинг кўринишни, гигиеник хусуситларини яхшилаш имконини берди ва уни зангламайдиган қилди.

* * *

ЛУЦК. Волинь область марказида Украинада биринчи енгил автомобиллар сотиладиган катта автосалон очилди. Турли хизматлар харидорларга бир жойнинг ўзида барча зарур расмиятчиликни: автомашина ҳақини тўлашдан тортиб уни давлат автомобиль инспекцияси рўйхатидан ўтказиш ва суғурта қилишгача бўлган ишларни бажаришга ёрдам беради. Шу ернинг ўзидаёқ автоҳаваскорларга зангламаш қарши ҳимоя воситаларига, қулайликни оширишга доир қўшимча хизматлар кўрсатилади.

* * *

ТАЛЛИН. Республика илмий кучлари бирлашмаси атроф муҳитини сақлаб қолишдек жиддий муаммонинг ҳал этилишини талаб қилди. Шунинг учун ҳам Эстония Фанлар академиясининг умумий йиғилишида Таллинда экология ва денгиз тадқиқотлари институтини ташкил этишга қарор қилинди. Институт термофизика ва электрофизика институти, геология институти, илмий бўлимлари ва бошқа коллективлар базасида тузилади. Бу эса кадрлар ва моддий-техника борасидаги қийинчиликларни четлаб ўтиш имконини беради. Регион аҳволи мураккаблиги туфайли институтни барпо этишга қарор қилинди.

* * *

АШХОБОД. Тошовуз области деҳқонлари қишлоқ хўжалик техникасини ремонт қилиш билан боғлиқ кўпгина ташвишлардан ҳалос бўлдилар. Бу ерда Вильнюс ёнилғи аппаратлари заводининг филиали иш бошлади. Филиалда трактор двигателининг энг инжиқ қисми — ёнилғи насослари ремонт қилинади. Илгари насосни тиклаш учун уни қўшни республикалар корхоналарига жўнатишга тўғри келар эди. Энди филиал хизматидан Туркманистон механизаторларигина эмас, шу билан бирга Ўзбекистондаги Қорақалпоғистон АССР ва Хоразм области дала меҳнаткашлари ҳам фойдаланишлари мумкин. Янги корхона Тошовуздаги «ТССР 40 йиллиги» ремонт заводидан ижарага олинган кенг цехларда жойлашди. У замонавий ускуналар билан жиҳозланган. Ҳозир корхонада ойнга тўрт юзтагача агрегат тикланмоқда. Корхона тўла қувват билан ишлай бошлаганидан кейин бу ерда ҳар йили 40 мингтадан кўпроқ ёнилғи насоси ремонт қилинади.

* * *

ОРГЕЕВ (Молдавия ССР). Молдавия Фанлар академияси олимлари картошкани соғломлаштиришда заҳарли химикатлардан фойдаланишга ҳожат қолдирмайдиган усулни топдилар. Улар, туганакларга ультрабинафша нурлари билан ишлов берилса, республика шароитидаги энг асосий касаллик — поя нематодаси тарқалиши ҳавфи пасайишини аниқладилар. Шуни ҳисобга олиб, «Иванча» совхозида картошка уруғлиги симоб-кварц лампалари ёрдамида нурлантирилди. Бундай уруғликдан униб чиққан ўсимликларда замбуруғлар, бактериялар ва вируслар таъсири оқибатида касалланиш камайди, ҳосилдорлик ошди. Бу йил мазкур услуб республика хўжаликларида кенг қўлланилади.

* * *

КУРГАН. Курган область Совети халқ депутатлари таъсис этган экология фондига дастлабки пул маблағлари ўтказилди. Бу фонд атроф муҳитни булғанганлик учун даъво қилиб ва жарима солиб олинадиган пуллардан иборат бўлади. «Нива» кооперативи раиси гербицидларни сақлаш қоидаларини бузганлик учун шахсан тўлаган жарима — 100 сўм унча кўп эмасдек кўринади. Лекин бундай тартиббузарлар жуда кўп. Геология-разведка экспедициясидан дарёга нефть маҳсулотларини оқизганлик учун олинган маблағ эса анча кўпроқ — 52 минг сўм. Бундай жаримадан тушган маблағ табиатни муҳофаза қилиш объектларини қуришга, ифлосланган дарёларни тозалашга, табиатни муҳофаза қилиш ва даволаш юзасидан кўриладиган бошқа чора-тадбирларга сарфланади.

ХАТЛАР ИЗИДАН

ИНСОН ХОТИРАСИ АЗИЗ

Ҳар йили баҳор фаслида республикамизда Хотира кунини нишонлаш одат тусига кирган. Бунда катта маъно бор. Ўтганларни ёд этиш, уларга эҳтиром кўрсатиш биз тириклар учун ҳам қарз, ҳам фарз. Деҳқонобод районидаги «СССР 50 йиллиги» совхозида бу соҳадаги ишларга етарли аҳамият берилмаяпти. Инсон хотирасини абадийлаштириш, қабристонларни ободонлаштириш муқаддас бурчимиз-ку, ахир!

П. ҲАКИМОВ,
Энгельс номли ўрта мактаб ўқитувчиси.

Педагог П. Ҳакимов муҳим масалани кўтарган. Ҳақиқатан ҳам қишлоқ қабристонларини ободонлаштириш, марҳумларга ҳурмат бажо этиш — эзгу, хайрли ишдир. Текширишда хатда келтирилган далиллар тасдиқланди. «СССР 50 йиллиги» совхозининг Тоғайтемир қишлоғидаги қабристон қаровсиз қолдирилганлиги тўғри. Ҳозир унинг атрофи симтўр билан ўралиб, ичи-таши тартибга келтирилди. Хотира кунигача бу ерда тозалик-ободонлаштириш юзасидан бир қатор ишларни амалга ошириш режалаштирилаяпти.

Район партия комитети мафкура бўлими йиғилишида П. Ҳакимовнинг «Қишлоқ ҳақиқати» газетаси редакциясига йўллаган мактуби муҳокама қилинди, жойларда бу борада етарли иш олиб борилмаётганлиги таъкидланди. Совхоз партия комитети ҳамда Қўрғонтош қишлоқ Советига қабристонларни ободонлаштириш, марҳумлар хотирасини абадийлаштириш юзасидан аниқ тадбирлар белгилаш топширилди.

Т. ЭШОНҚУЛОВ,
Деҳқонобод район партия комитетининг секретари.

МЕНГА ЁРДАМ БЕРИНГ

Пахтачи районидаги Свердлов номли колхоз аъзоси Н. Ҳамроев редакцияга мурожаат қилиб, ўз мутахассислиги бўйича иш билан таъминлашга ёрдам беришимизни сўраган эди. Шикоят текшириш ва чора кўриш учун Самарқанд область партия комитетига юборилди. Обком секретари имзоси билан олинган жавоб хатида қуйидагилар маълум қилинган:

— Арзнома жойнинг ўзида ўрганиб чиқилди. Н. Ҳамроев икки йил мобайнида колхоз ўтчилик бригадасининг бошлиғи бўлиб ишлаган. 1989 йилдан эътиборан мазкур штат қисқартирилганлиги сабабли у бошқа вазифага ўтказилган. Ойлик маоши — 150 сўм. Н. Ҳамроев бундан қониқмай, колхоз правлениесига ариза билан мурожаат қилган. Ўтган йил июль ойида бўлган умумий йиғилишда унинг аризаси кўриб чиқилиб, кўпчилик овоз билан ойлик маошини оширишга асос йўқ, деган қарорга келинган (қарор нусхаси илова қилинади).

Текширишда аён бўлдики, Н. Ҳамроевга бир неча вазифалар таклиф қилинган. Лекин у турли баҳоналар билан бу таклифларни рад этган. Район агросаноат бирлашмаси раиси А. Намозовга шикоятчи талабини қондириш, унн ўз мутахассислиги бўйича иш билан таъминлаш топширилди.

ЙЎЛГА ЭЪТИБОР— ЭЛГА ЭЪТИБОР

Мен «Пискент» совхозининг 5-бўлимида яшаймиз. Йўл азоби қўлимга қалам тутқазди. Автобус бекатига чиқиш учун беш чақирим масофани аёв босишимиз керак. Ана шу йўл бир неча йилдан бери қаровсиз ҳолда. Ёзда чанг, қишда лой. Наҳотки мутасадди раҳбарлар бундан бехабар бўлишса?

А. АШИРБОЕВА,
Пискент райони.

Ҳурматли А. Аширбоева! Қишлоқ аҳлининг мушкули осон бўладиганга ўхшаб қолди. Халқ депутатлари район Совети ижроия комитети раиси муовини Д. Азаматовнинг гувоҳлик беришича, ушбу масала «Пискент» совхози дирекцияси билан биргаликда кўриб чиқилган, сизнинг хатингизда баён қилинган танқидий фикр-мулоҳазалар тўғри, деб топилган.

Ўртоқ Д. Азаматов пировардида қуйидагиларни маълум қилади:

— Йўл қурилишини тезлаштириш юзасидан Олмалиқдаги 2-СМУ ташкилоти билан шартнома тузилди. Ҳозирги кунда текислаш, тош тўкиш ишлари бошлаб юборилган. Қишлоқ ички йўлларини созлаш, меҳнаткашлар талабини қондириш учун зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда.

ТАЛАБ ЎРИНЛИМИ?

Олтиариқ район социал таъминот бўлими Поласон қишлоқ Совети ҳудудида истиқомат қилувчи У. Аҳмаджонованинг аризасини ўрганиб чиқди. Амалдаги қонунларга мувофиқ, беш ва ундан ортиқ бола туғиб тарбиялаган, иш стажи 15 йилдан кам бўлмаган колхозчи аёллар эллик ёшга етганда қариллик нафақаси олиш ҳуқуқига эгадирлар. 1930 йилда туғилган А. Аҳмаджонова ана шу имкониятдан баҳраманд бўлиши мумкинми?

Бу саволга жавоб қуйидагича: собиқ Жданов номли (ҳозирги «Ленинобод» совхози) колхозда сақланиб қолган архив ҳужжатлари синчиклаб ўрганилди. Маълум бўлдики, У. Аҳмаджонова узлуксиз иш стажига эга эмас. Унга 1958, 1969, 1970 йиллардагина меҳнат ҳақи тўланган. Колхоз аъзоларининг шахсий ҳисоб ведомостлари шундан далолат беради. Юқоридаги сабаблига кўра, онахонга қариллик пенсияси тайинлашнинг имкони йўқ. Унинг жами иш стажи — уч йил. Бинобарин, тўлиқсиз нафақа олиш ҳуқуқига ҳам эга эмас. Чунки бунинг учун қондага мувофиқ камида 5 йиллик меҳнат стажи бўлиши керак.

М. ДАДАБОЕВА,
Олтиариқ район социал таъминот бўлими мудири.

ИШГА ТИКЛАНДИ

Қонун ҳамма учун баравар. Унинг муқаддас талаблари ҳар қандай ғараз, келишмовчилик ҳамда шахсий адоватдан устун турмоғи лозим. Акс ҳолда ноҳақлик, адолатсизлик газак олиши учун имкон туғилади. Хўжаобод районидаги «Ленинизм» колхози тракторчиси У. Режаповнинг мактуби ана шу мазмунда эди.

Текширишда унинг колхоз бош инженери томонидан асоссиз равишда ишдан бўшатилганлиги аниқланди. У. Режапов ўз вазифасига тикланди. Бошқарув қарорига кўра, бекор юрган кунлари учун унга ҳақ ундириб бериладиган бўлди.

Халқ депутатлари район Совети ижроия комитети раиси Т. Мирзаев бу ҳақда редакцияга расмий жавоб йўллаган.

ҲАМОН ПАНОҲГОҲЛИК

Қайта қуриш, ошкоралик ҳақида кўп гапираяпмиз. Эҳтимол, бошқа жойларда янгиланиш бўлаётгандир. Бизнинг корхонада эса аҳвол ўша-ўша. Раҳбарларнинг айтгани-айтган, дегани-деган. Директор Э. Кўчкелдиев ўз қариндошларини паноҳи остига олиб, улардан «марҳамат»ини аямаяпти. Қани адолат?

Б. БОЗОРОВ,
«Сурхон» заводи.

Термиз шаҳар партия комитети ушбу шикоят юзасидан текшириш ўтказди. Билдирилган эътирозлар ўринли. Ҳақиқатан ҳам завод директори Э. Кўчкелдиев ўз қариндоши Ф. Шукуровни ишга қабул қилиб, кўп ўтмай уни «МАЗ» маркали янги машина билан «сийлаган». Бунда коллектив фикри билан ҳисоблашмаган.

Текшириш якунлари шаҳар партия комитетида муҳокама қилиниб, ишда йўл қўйган камчиликлари учун Э. Кўчкелдиев қаттиқ огоҳлантирилди. Маъмурият қарори билан Ф. Шукуров слесарликка ўтказилди. Унга ажратилган машина 1986 йилдан бери заводда ишлаб келаётган Р. Бобоназарова олиб берилди.

Корхонада маънавий-психологик муҳитни яхшилаш, ошна-оғайнигарчилик, қариндош-уруғчилик кўринишларига барҳам бериш юзасидан тегишли тадбирлар белгиланди.

В. ТИМОШЕВ,
Термиз шаҳар партия комитетининг секретари.

МАРКАЗ ҲАРАКАТДА

Халқлар дўстлиги орденли Тошкент қишлоқ хўжалик институтида жойлашган 8-сайлов участкасида бўлажак сиёсий санага пухта тараддуд кўрилаяпти. Бу ердаги ахборот-тарғибот марказига фалсафа кафедраси мудири, профессор Владимир Матвеевич Бикрицкий раҳбарлик қилаяпти. Кутубхонанинг ўқув залига жойлашган марказ ҳамиша сайловчилар билан гавжум. Институт фойеси, агитпункт хонаси дид билан безатилган. Турли хил стендлар, брошюралар, газета, журналларнинг янги сонлари, илм даргоҳи ҳаётига оид суратлар киши диққатини тортади.

Сайловолди тарғибот ишларига 17 киши жалб этилган. Улар аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишлари олиб бормоқдалар. Участка ҳудудида 2 минг 990 нафар сайловчи истиқомат қилади. Улардан 236 нафари бу йил биринчи марта овоз беради.

Тарғиботчилар нафақат участка сайловчилари балки теварак атрофдаги 16-ўрта ҳунар-техника билим юрти, теплица комбинати, 4-мактаб, Алангочдаги 2-ғишт заводлари бошқармаси, Ўрта Осиё медицина педиатрия институти ётоқхонаси, «Қизил Октябрь» санаторийси сайловчилари билан ҳам учрашувлар ўтказиб, уларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб бермоқдалар.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини бошқариш ва совет ҳуқуқи асослари кафедраси мудири, доцент Н. Кисилев, социал-сиёсат тарихи кафедраси мудири, тарих фанлари доктори Р. Сангиров, доцентлар — Б. Рихсиев, Э. Каримов, Н. Саъдуллаев ва бошқалар олиб бораётган суҳбатлардан сайловчилар мамнун бўлишмоқда.

Тарғиботчилар «Ўзбекистон Компартиясининг ҳаракат дастури», «Сайловдан сайловгача мамлакатимиз ҳаётида рўй берган ўзгаришлар», «Бу йилги сайловларнинг аввалгиларидан фарқи», «СССРнинг ички ва ташқи сиёсати», «Халқаро аҳвол», «Депутат халқ хизматида» каби мавзуларда лекция ва суҳбатлар ўтказишаяпти.

Участкада сайловчилар билан депутатликка номзодларнинг учрашувга пухта ҳозирлик кўрилмоқда. Институт бадиий ҳаваскорлари ҳам катта программада концерт тайёрлашаяпти.

— Тарғиботчиларимиз кундалик ишлари юзасидан ҳисобот бериб туришади, — дейди институт студентлар касаба уюшмаси раиси, мазкур участка сайлов комиссияси раиси Рашид Пирмўҳамедов. — Эндиги асосий вазифамиз сайловчиларни депутатликка номзодларнинг таржимаи ҳоли, уларнинг сайловолди дастурлари билан таништириш ҳамда бу муҳим сиёсий тадбирни уюшқоқлик билан ўтказишдан иборат.

Э. ТУЛАГАНОВ.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ. Маълумки, ипак қурти учун тут барги озуқа базаси саналади. Республикамиз минтақаларида анча-мунча жойни тутзор эгаллайди. Суғориладиган майдонларнинг аксарият қисмини пахта, полиз, мева, сабзавот экинлари, боғ ва токзорлар банд қилганлиги туфайли тутзорларни кенгайтириш имконияти чегаралангган. ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлими ипакчилик илмий-тадқиқот институтининг бир гуруҳ олимлари қуртга едириш учун сунъий озуқа ишлаб чиқдилар. Бу емиш Тошкент, Бухоро областларининг қатор хўжаликларида синаб кўрилди ва умидбахш натижалар берди.

СУРАТДА: илмий ходимлар (чапдан ўнгга) Миркамол Жўраев, Марс Холмирзаев ва Шуҳрат Мадиёров олинган натижаларни текширувдан ўтказмоқдалар.

Р. НУРИДДИНОВ олган сурат. (ЎзТАГ).

КУЧ-ҒАЙРАТЛАРНИ БИРЛАШТИРИБ

ОЛМАОТА. (ТАСС мухбири). Қозоғистон пойтахтида Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон тиббий муассасаларининг 2000 йилгача бўлган даврда ҳамкорлик қилиш программаси имзоланди.

Ўзбекистон, Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Туркманистон соғлиқни сақлаш министрлари регионда тадқиқотларни мувофиқлаштириш ва тиббий муассасалар ҳамкорлиги муаммоларини муҳокама қилдилар. Оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, ноқулай экология муҳитида юқумли касалликларнинг олдини олиш қўшма фаолиятнинг устун йўналишлари деб аталди.

Шунингдек, юрак-қон томир касалликлари, ёмон шиш, болалар касалликлари, доялик ва аёллар касалликлари, тозалик ва юқумли касалликлар соҳасида биргаликда олиб бориладиган илмий тадқиқотлар программасини ишлаб чиқиш кўзда тутилди. Тиббий муассасаларнинг ишларини бирлаштириш ва мувофиқлаштириш марказини, СПИДга қарши кураш республикаларо марказини барпо этиш зарурлиги таъкидланди.

Озарбайжон ва Арманистон табобат ходимларига мурожаат қилиниб, улар хунрезлик тўхтатилишига кўмаклашишга даъват этилди.

ИНДОНЕЗИЯГА ТАШРИФ ТУГАДИ

ЖАКАРТА. (ТАСС). СССР Олий Совети раисининг ўринбосари, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси М. И. Иброҳимовнинг Индонезияга ташрифи ниҳоясига етди. Ташриф давомида президент Сухарто, иқтисодиёт, молия, саноат ва миллий тараққиётни назорат этиш масалалари бўйича мувофиқлаштирувчи министр Р. Правиро, ҳукуматнинг бошқа аъзолари билан музокаралар бўлиб ўтди. Хусусан икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш шу жумладан Индонезия давлати бошлиғининг СССРга ташрифи чоғида ҳамда ўтган йилнинг кузида Москвада олий даражадаги Совет—Индонезия учрашуви чоғида эришилган аҳдлашувлар асосида Ўзбекистон ССР билан бевосита амалий алоқаларни йўлга қўйиш истиқболлари кўриб чиқилди.

Ўзбекистонлик меҳмон Шимолий Суматра вилоятининг маъмурий маркази Медан шаҳрига борди, шу шаҳарнинг атрофида жойлашган бир қанча йирик плантация хўжаликлари ва қайта ишлаш корхоналарида бўлиб, Совет Иттифоқига экспорт қилинаётган тайёр маҳсулот намуналари билан танишди.

Шимолий Суматра савдосаноат доиралари вакиллари билан учрашув ҳам бўлиб ўтди. Иккала томон ўзаро товар етказиб бериш ҳажмини кўпайтиришдан, шунингдек қишлоқ хўжалик хом ашёсини қайта ишлайдиган қўшма корхоналар барпо этишдан манфаатдор эканлигини айтди.

МАҲАЛЛИЙ САНОАТНИНГ ИЖТИМОИЙ МОҲИЯТИ

ёки аҳолини иш билан таъминлаш муаммолари ечими хусусида

СССР Министрлар Советининг Фарғона водийсини ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш ва аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида қабул қилган қарорида долзарб вазифалар илгари сурилди. Бинобарин, қишлоқларда саноат корхоналарининг филиалларини ташкил этиш, ишлаб турганларини кенгайтириш, маҳаллий ҳунармандчиликни тараққий эттириш бу вазифаларни муваффақиятли ҳал қилишда муҳим аҳамиятга эга. Ҳукумат қароридан келиб чиқилган ҳолда Андижон областида қўшимча равишда ҳар йили 2 минг кишини ишга жойлаш юзасидан ҳаракат дастури ишлаб чиқилди. Жумладан маҳаллий саноат корхоналарида ҳурмандчиликни ривожлантириш тадбирлари белгиланди. Ана шу йўл билан бу тармоқда келаси беш йилликда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини икки баробар ошириш кўзда тутилган. Табиийки, бунинг учун асосли замин борми, деган ҳақли савол туғилади. Чунки турғунлик йилларида дабдабали программалар ишлаб чиқилиб амалга ошмай қолганлиги кўпчиликка аён.

Бинобарин, маҳаллий саноатни ривожлантириш халқимиз эҳтиёжини қондириш билан боғлиқ. Бунинг учун катта имкониятлар бор. Масалан, ана шу тармоқнинг асосий хом ашёси— пахта, пилла ўзимизда етиштирилади. Кулолчилик буюмларини тайёрловчи бу соҳанинг малакали ҳунармандлари етарли. Шу ўринда бир мисол келтирайлик. Яқинда кенг истеъмол буюмлари фабрикасида безакли кошинлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилган эди. Бу маҳсулотга талаб кучайди. Ҳанто чет эл фирмалари ҳам буюртма беришмоқда. Демак, гап изланишда, ишнинг кўзини билиб меҳнат қилишда экан.

Буларнинг ҳаммаси техника тараққиётини жадаллаштириб боришни талаб қилади, албатта. Усиз олдинга силжиб бўлмаслиги ҳаммага аён. Шунинг учун валюта ишлаб топиш йўллари қидирилмоқда. Испаниянинг «Индес» фирмаси билан Сўфиқишлоқда қўшма корхоналар қуриш тўғрисида келишиб олинди. Ҳозир лойиҳа ишлари олиб борилмоқда. 1991 йилдан бошлаб фабрикалар қурилишига киришилади ва келгуси беш йилликда давомида ишга туширилади. Бу корхоналарда асосан медицинага оид маҳсулотлар тайёрланади. Улар аҳолини иш билан таъминлашда ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Ўн учинчи беш йилликда қишлоқларда ва кичик шаҳарларда фабрикалар ҳамда уларнинг филиалларини ташкил этишга, касаначиликни кенгайтиришга эътибор кучаяди. Шаҳрихонда йилига 50 миллион сўмлик барқут ишлаб чиқариладиган қувват ишга туширилади. Маълумки, бундай матога талаб катта. Шунинг учун ҳам корхонани мумкин қадар тезроқ ишга тушириш тадбирлари кўрилмоқда. Аллақачон дастгоҳ ва ускуналаргa буюртма берилган, мутахассислар тайёрланмоқда. Шаҳрихон шойи тўқиш фабрикаси қошида йилига 10 миллион сўмлик нотўқима газламалар ишлаб чиқариладиган қувват ҳам ишга туширилади.

Москва районидаги «Октябрь 60 йиллиги» колхозида ип-йигириш фабрикасини ташкил этиш тадбирлари кўрилаяпти. Бу ерда бекор ётган мактаб бинои қайта жиҳозланади. Шуниси муҳимки, фабрикада келгусида минг киши ишлайди. Бундан ташқари Хўжаободда Шаҳрихон шойи тўқиш фабрикасининг филиали ташкил этилади. У ерда 300 киши меҳнат қилади. Бир миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади. Шунингдек, Андижон бадиий буюмлар фабрикасининг Булоқбоши қишлоғидаги филиали қувватти икки баробарга оширилиб, 1992 йилда мустақил корхонага айлантирилади. Хўжаобод районидаги «Ленинград» колхозида ташкил этилган касаначилик фабрикаси кенгайтирилади ва келгусида бу ерда минг киши ишлайдиган бўлади. Қўрғонтепа районида иккита филиал ташкил этилади. Бундай ишларни Андижон областининг яна бир қатор районларида ҳам амалга ошириш мўлжалланмоқда.

Халқ ҳунармандчилигини ривожлантириш борасида ҳам катта режалар белгиланди. Қўлда атлас тўқишга қадим-қадимдан алоҳида эътибор берилган. Кейинчалик йирик корхоналар ташкил этилиши билан бу соҳа унутилганди. Маҳаллий саноатчилар шу усулни тикладилар. Олтинкўл кенг истеъмол буюмлар фабрикаси қошида қўлда атлас тўқиш цехи очилди. Савдо ташкилотлари шундай маҳсулотдан кўпроқ етказиб берилиши таклифи билан чиқаяптилар. Бу соҳани ривожлантириш бошқа жиҳати билан ҳам эътиборга сазовордир. Серфарзанд аёллар фабрикаларга бориб ишлашга қийналишади. Шунинг учун ҳам ўн учинчи беш йилликда бевосита хонадонларда атлас тўқиш дўконларини ўрнатиш режалаштирилди. Бу билан аёлларнинг уй юмушларидан бўш вақтларида ишлашлари учун имконият яратилади. Қолаверса, улар фарзандларига ҳам атлас тўқиш сирларини ўргатишади. Шу усулни кенгайтириш бизнингча ҳар томонлама фойдалидир. Негаки, битта ишчи ўрни давлатимизга камида 6—7 минг сўмга тушади. Дастгоҳлар уйда ўрнатилса ана шу маблағ тежаб қолинади.

Хитой Халқ Республикаси билан алоқаларни ҳар томонлама кенгайтириш борасида кўрилаётган тадбирлар кишини қувонтиради. Яқинда шу мамлакат фирмаларининг вакиллари билан уларга атлас ва безакли кошинлар етказиб бериш хусусида келишиб олинди. Айни пайтда республикамизда Хитой Халқ Республикаси билан ҳамкорликда термос ишлаб чиқарадиган қўшма корхона қурилиши режалаштирилди. Бундан ташқари Андижон область саноат бошқармаси вакиллари Германия Федератив Республикаси фирмалари билан алоқа боғлаб, Андижонда одеял ишлаб чиқарадиган фабрика барпо этиш тўғрисидаги шартномани имзоладилар. Хуллас, мавжуд қўшма корхоналар қуриш асосида келгуси беш йилликда маҳаллий саноат тармоқларида 8—9 минг кишини иш билан таъминлаш кўзда тутилмоқда.

К. НИШОНОВ.

МАФКУРАВИЙ ЖАБҲАДА

МУНОЗАРА КЛУБИ

Жиззах шаҳрида КПСС аъзолигига номзодлар эндиликда кўп саволларга ишонарли жавоблар олишлари, баҳслашиб ҳақиқат топишлари мумкин. Шаҳар партия комитети ҳузурида «Ёш коммунист» мунозара клуби ташкил этилди. Клуб ишида ўз тақдирини партия билан боғлашга қарор қилган яқиндагина комсомол бўлган юзга яқин ёшлар иштирок этмоқда.

САЙЛОВЧИЛАР УЧУН

Сурхондарё область партия комитетининг сиёсий маориф уйи ҳузурида Узбекистон ССР ва маҳаллий Советлар халқ депутатлигига номзодлар клуби ташкил этилди. Олтмишдан ортиқ киши қатнашган клубнинг биринчи машғулоти иттифоқимиз ва республикамизнинг сайлов тўғрисидаги қонунларида рўй берган ўзгаришлар тўғрисидаги масалага бағишланди. Клубнинг иш режасида Узбекистон Компартиясининг, область партия комитетининг сайловолди ҳаракат дастурларини ўрганиш, сайловчилар билан учрашиш, савол ва жавоб кечалари ўтказиш кўзда тутилган. Мажлислар сайлов мавсуми охиригача ҳафтасига бир марта ўтади. Клуб ташкилотчиларининг мақсади халқ депутатлигига номзодларга сайловолди курашида ёрдам беришдир.

МАРКАЗ ИШ БОШЛАДИ

Улуғбек номли Фарғона давлат педагогика институтида Фарғона областида рўй бераётган ижтимоий жараёнларни ўрганиш маркази ишлай бошлади. Марказда институтнинг етакчи олимлари — файласуфлар, социологлар, жамиятшунослар жамоатчилик асосида ишлашмоқда. Марказда ижтимоий ва ёшларнинг ижтимоий шароитлари муаммоларини ўрганувчи иккита лаборатория ишлаб турибди. Бошқа лабораторияларни ҳам очиш режалаштирилмоқда.

ЯНГИ ЎҚУВ КУРСЛАРИ

Андижон шаҳар партия комитетида шаҳар Совети халқ депутатлигига номзодлар учун ўқув курслари ташкил этилди. Машғулотларда унинг тингловчилари сайлов тўғрисидаги амалдаги қонун актлари билан таништирилдилар, бошқа долзарб масалаларни ҳам ўрганадилар. Номзодлар ҳузурида шаҳар совет ва хўжалик раҳбарлари, ҳуқуқшунослар ва олимлар сўзга чиқишади. Андижонликлар 248 номзод халқ депутати қилиб рўйхатга олинган 120 та сайлов округида овоз беришлари керак. Ушбу қисқа муддатли курслар сайловолди курашида ёрдам беришга, мунозараларни юксак сиёсий даражада ўтказишга ўргатиши лозим.

Косонсой районидаги Худойбердиев номли совхозда ёш коммунистлар мактаби ташкил этилди. Машғулотларда нафақат КПССнинг янги аъзолари, балки фаол ҳаётий позицияга эга бўлган комсомоллар, партиясиз йигит-қизлар ҳам қатнашмоқдалар.

Эндиликда ҳар бир коммунистнинг умумишга қўшаётган ҳиссаси ошмоқда. Улар топшириққа масъулият билан ёндашиб, бошқаларга ўрнак кўрсатмоқдалар.

— Ёш коммунистлар мактаби машғулотлари ҳар томонлама фойдали бўлмоқда, — дейди партия кабинети мудири А. Ҳолиқов. — Унинг иштирокчилари фақатгина сиёсий билимларини ошириб қолмасдан, балки иқтисодий жиҳатдан ҳам етук, баркамол бўлишаётир. Ёшлар партия сафига онгли равишда кирмоқдалар. Жумладан, яқинда техника парки инженери Боймирза Эралиев КПСС аъзолигига номзод бўлди.

Коммунистлар фаоллиги ошаётгани туфайли кейинги йилларда қувончли ютуқлар қўлга киритилмоқда. Бултур пахтачиликдан бир ярим миллион сўм фойда олинди. Ҳолбуки, икки йил аввал бу соҳадаги топшириқ бажарилмаганди. Озуқа базаси мустаҳкамлангани натижасида чорвачилик рентабелли тармоққа айланди.

Хўжалик партия ташкилоти қайта қуриш даврида меҳнаткашлар онгини ўстириш, дунёқарашини кенгайтиришга алоҳида эътибор бераяпти. Ишга масъулиятни кучайтириш, интизомни мустаҳкамлаш эвазига маҳсулотлар етиштириш кўпаймоқда.

СУРАТЛАРДА: 1. Партия ветерани А. Челпанов (чапдан иккинчи) ёш коммунистлар Ҳ. Нурхонов, А. Қодиров ва М. Акбарова билан суҳбатлашмоқда. 2. Сут-товар фермаси цех партия ташкилотининг секретари Н. Мейлиев, сигирсоғарлар М. Носирова, У. Эралиева ва М. Анорова.

А. КОВТУН олган сурат. (ЎзТАГ).

АГРОСАНОАТ АХБОРОТИ

МАВСУМГА ТАЙЁРГАРЛИК

Тошлоқ районидаги Карл Маркс номли колхоз меҳнатчилари экиш техникасини аъло даражада ремонтдан чиқариб, пахта териш машиналарини тиклашга киришдилар. Агрегатларнинг ярмидан кўпроғи ҳозирнинг ўзидаёқ тахт қилиб қўйилди.

— Ремонт хизматининг ижара пудратига ўтказилгани — муваффақият гарови бўлди,— деди хўжалик марказий устахонаси мудири М. Шаматов.— Бу эса меҳнат маромини ва ремонтчиларнинг ўз ишлари сифатидан манфаатдорлигини анча оширди.

ЗАРАР ЎРНИГА ДАРОМАД

Қишда салқин ичимликларга талаб камайиши табиий. Ана шу даврда молиявий зарарнинг ўрнини тўлдириш учун Наманган-даги салқин ичимликлар комбинатининг қандолат цехи тўла қувват билан ишлай бошлади. Уни ижарага олган ходимлар маҳсулотнинг етти турини ишлаб чиқаришни ўзлаштирдилар. Анъанавий хамир маҳсулоти— торт ва печеньелардан ташқари бу ерда зефир ва мармелад ҳам тайёрланмоқда. Яқинда эса магазинларга янги маҳсулот — шакарга босилган ер ёнғоқ жўнатилди. Тез орада бу ерда яна бир ширинлик тайёрланади. Ижарачилар харидорларнинг талабларини тўла қондирмоқдалар.

МУАММОЛАР ҲАЛ ЭТИЛМОҚДА

Иштихон аҳолиси эндиликда иссиқ нонларни бемалол харид қилади: бу ерда бир кеча-кундузда 15 тонна маҳсулот ишлаб чиқарувчи янги нон заводининг биринчи навбати ишга туширилди. Бошқа цехлар ҳам битай деб қолди. Корхона ёнғинасида мевазор барпо этилди. Район маркази аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш билан бирга яна бир муаммо — ортиқча меҳнат ресурслари муаммоси қисман ҳал этилди.

(ЎзТАГ).

ОЗАРБАЙЖОН ВА АРМАНИСТОНДАГИ ВАЗИЯТГА ДОИР

Январь ойи бошларида Бокуда рўй берган воқеаларни ўз кўзи билан кўрган кишиларнинг фикрича, фавқулодда ҳолатни жорий этиш ва шунга мувофиқ чоралар кўриш ғоят зарур эди. Тўс-тўполонлар, бебошликлар икки халқ — озарбайжон ва арманлар ўртасидаги миллий ҳалокатга айланиб кетиши мумкин эди. Бокуда ҳамда Озарбайжон ва Арманистоннинг баъзи районларида ҳарбий хизматчиларнинг бўлиши — регионда аҳволни барқарорлаштириш ва зўравонлик янада кучайишининг олдини олиш омилидир. Боку ҳарбий комендантининг хабар беришича, ўтган кеча нисбатан осойишта бўлди, қурбонлар йўқ. Боку кўрфази қамали бекор қилинди. Ҳарбий комендант қарорига биноан «Озарбайжон миллий фронти мудофаа комитети»нинг фаолияти тақиқланди.

Жамоатчилик, Озарбайжон ССР Олий Совети, партия органларининг вакиллари ҳарбий маъмурларнинг тақлифига биноан дengиз кемаларида бўлдилар ва ана шу кемалар гўё ҳалок бўлганларнинг жасадларини дengизга ташимоқда, деган уйдирмалар сохта эканлигига ишонч ҳосил қилдилар.

Ганжа шаҳрида қисмлар қўмондонлиги жамоатчилик вакилларининг ҳарбийлар шаҳарчасида бўлиш, солдатлар билан суҳбатлашиш имконини берди. Мазкур қисмда озарбайжон миллатига мансуб ҳарбий хизматчилар калтакланмоқда ва ўлдирилмоқда, деган уйдирмалар ҳеч қандай асосга эга эмаслигини ўз кўзлари билан кўрдилар. Озарбайжон ССР халқ депутатлари ва маҳаллий аҳолидан бир гуруҳ кишилар Бокудаги «Сальяни казармалари»да бўлдилар ва бу ердаги аҳвол хусусида тарқалган ғиғвогарона мишмишлар ҳам мутлақо ўринсиз эканлигига амин бўлдилар.

Имишли шаҳридан олинган маълумотларга кўра, экстремист унсурларнинг В. И. Ленин ҳайкалини бузиб ташлашга даъвати маҳаллий коммунистлар ва партиясизларнинг зарбасига учради. Командирлар, сиёсий ходимлар, солдатлар ва сержантлар аҳоли билан ҳамжиҳат бўлиб иш олиб бормоқдалар, митинглар ва йиғилишларда сўзга чиқмоқдалар, бу эса умумий кескинликни пасайтиришга кўмаклашмоқда. Маҳаллий аҳоли буни маъқулламоқда.

— Баъзилар бошимизга тушган синовлардан саросима уйғотишга, рус тилида сўзлашувчи аҳолини чўчитишга, уларни Бокудан жўнаб кетишга ундаш мақсадида фойдаланишга уринмоқдалар, — деди Озарбайжон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, республика оқсоқоллар кенгашининг аъзоси Н. Сулаймон республикадаги рус тилида сўзлашувчи аҳолига мурожаат қилиб. — Озарбайжон халқи, деб таъкидлади у маҳаллий радио орқали сўзлаб, оғир дамларда дўстлигимиз мустаҳкам эканлигига сизларни ишонтиради. Озарбайжонлар умумий қадриятларимизга тажовуз қилишга, ўртамизга нифоқ солишга уринадиган ҳар бир кишини қаҳр-ғазаб ва нафрат билан қоралайдилар. Бизнинг йўлимиз бир, мақсадимиз бир, суверен, тинч, гуллаб яшнаётган Озарбайжон учун курашимиз умумийдир. Озарбайжон умумий хонадонимиз бўлиб келди ва абадий шундай бўлиб қолади, деб таъкидлади олим.

Бокудаги Михаил Архангел черқовининг руҳонийси протоиерей В. Лукьянов Озарбайжондаги рус православ черкови руҳонийлари номидан радио орқали сўзга чиқиб, рус тилида сўзлашувчи аҳолига мурожаат қилди. Кўпгина озарбайжонлар, шу жумладан зиёлилар ва художўй мусулмонлар шу кунларда черковимизга келиб, бизни тушкунликка тушмасликка даъват этмоқдалар. Озарбайжон халқи самимий ва меҳрибон халқдир. Биз мазкур халқ билан бирга яшаганмиз ва бундан буён ҳам яшайверамиз.

Афсуски, республикадаги вазият ҳамон мураккаб бўлиб турибди. Талон-торожлик ва гражданларга қароқчиларча ҳужум қилишлар давом этмоқда. Бундан ташқари, ҳаво ҳужумидан мудофаа бўлинмаларининг жанговар тартиб йўлга қўйилган зонасида террорчилар 9 марта қуролли ҳужум қилдилар, икки солдат жароҳатланди. Ленкоранда ўқдори сақланадиган омборни эгаллашга уриниш бўлди. Бир кеча-кундузда Бокуда турли ҳуқуқбузарликлар учун 100 дан ортиқ киши қўлга олинди.

Бокуда ва республиканинг бошқа кўпгина қишлоқ районларида саноат корхоналари ишламаяпти. Транспорт ва савдо объектлари чекланган тарзда ишламоқда. Озарбайжон темир йўлида 189 та поезд тўхтаб турибди.

Арманистоннинг бир қанча аҳоли пунктларида аҳволни барқарорлаштириш мақсадида мулоқот йўлга қўйилмоқда. Ҳарбий бўлинмалар билан зиддиятлар қайд этилмади. Арман ва курд аҳолиси ўртасидаги муносабатлар кескинлашганлиги тўғрисидаги маълумотлар тасдиқланмади. Саноат корхоналари ва жамоат транспорти ишлаб турибди.

Бироқ ижобий силжишлар билан бир қаторда илгари ўғирланган қуролдан фойдаланиб жиноят қилиш кўпаяётганлиги кузатилмоқда. Иккита кооператив савдо дўкони портлатилди, гражданларга қуролли ҳужум қилинди. Автотранспорт воситаларини, жумладан шахсий машиналарни қароқчиларча эгаллаш ҳоллари давом этмоқда. Чунончи, 23 январь куни Арташат шаҳрида саккиз нафар бандит шу ерлик кишини калтаклаб, унинг шахсий машинасини ўғирлаб кетишган. Ереванда Улуғ Батан уруши музейидан танк, иккита 76 миллиметрли тўп, зенит тўпи, иккита пулемёт ва иккита миномёт ўғирлаб кетилган. Арманистон ССРнинг Ехегнадзор райони ва Нахичеван АССРнинг Ильич райони чегарасида ҳар икки томондан қуролланган экстремистларнинг кўп бўлиши вазиятни яна кескинлаштирди. Отишма натижасида Арманистоннинг Арена қишлоғи аҳолисидан бир киши ҳалок бўлди.

Озарбайжонда бутун Совет-Эрон чегараси бўйлаб назорат тикланди. Чегара орқали қатнов ўтиш пунктларида қатъий белгиланган тартибда амалга оширилмоқда. Бир кеча-кундузда Эрон территориясига 1322 киши ўтказилди, чет элдан 1601 киши келди. Ҳар иккала томондан давлат чегарасидан қонунга хилоф равишда ўтишга уринган 66 киши қўлга олинди. Бу тадбирларни чегара аҳолиси тобора маъқуллаб қутиб олмоқда. Маҳаллий партия ва совет органларининг раҳбарлари ҳуқуқ-тартиботни тиклашга фаолроқ қўшилмоқдалар.

Мамлакатда барча совет халқлари вакилларининг Озарбайжон ва Арманистон диёридаги вазиятни нормаллаштиришга ўз ҳиссасини қўшишга интилиши кенгайиб бормоқда. Масалан, Ўрта Осиё ва Қозоғистондан байналмилалчи жангчилар Озарбайжон ва Арманистондаги ўзларининг собиқ полкдошларига мурожаат билан чиқдилар. Улар ўзларининг жанговар ўртоқларини ғиғволарга учмасликка, биродаркушлик адоватида қатнашмасликка даъват этдилар.

(ТАСС).

ГЕНЕРАЛ БИЛАН МУСОҲАБА

Кавказортида рўй берган мушкул аҳвол муносабати билан Арменпресс мухбири Л. Азроян Ереван гарнизони сиёсий бўлимининг бошлиғи, СССР халқ депутати, генерал-майор М. С. Сурковга бир неча савол берди.

—21 январь куни Марказий телевидение орқали ТАСС хабари берилди. Унда Арманистонда Совет Армиясига нисбатан гўёки душманлик билан муносабатда бўлинаётгани айтилган. Сиз шу хабарни қандай шарҳлаб бера оласиз?

— Мен Арманистонда республикада доимий турган қисмлар билан ҳам, СССР Олий Совети Президиумининг Тоғли Қорабоғ автоном областида ва баъзи бошқа районларда фавқулодда ҳолат эълон қилиш тўғрисидаги фармонини бажариш учун бу ерга келаётган ҳарбий хизматчилар билан ҳам ҳеч қандай тўқнашув бўлмаганлигини неча бор айтган эдим, — деди М. С. Сурков. — Мен ушбу қисмлар ўзлари жойлашадиган ерларга тинч етиб бораётганини расмий равишда маълум қиламан. Сўнгги вақтда, афсуски, армияга нисбатан муносабат умуман ўзгарганлиги бошқа гап. Бироқ айрим ҳолларни истисно этганда бевосита қаршилик кўрсатиш ёки тўқнашувлар бўлгани йўқ. Ҳарбий хизматчиларимизга доимо ёрдам беришмоқда, бизни ҳамма ерда яхшилик билан, ҳайрихоҳлик билан кутиб олишмоқда.

— Сизнинг Арманистондаги хизматингиз тақдир тақозоси билан Қорабоғ тевараги-даги воқеалар авж олган пайтда бошланди. Ўша оғир кунларда армиянинг республика меҳнаткашлари билан ўзаро муносабатлари қандай бўлди? Бу муносабатларда ҳозир бирор ўзгариш бўлдими?

— Агар армия билан халқнинг ўзаро муносабатлари ҳақида гапирадиган бўлсак, тўғри, бу муносабатлар илгари анча яхши эди. Тбилисидаги воқеалар муносабати билан матбуотнинг чиқишлари, бошқа мақолалар фойдали бўлмади. Эҳтимол, бу қўзғалишнинг қандайдир умумий жиҳатлари бизга тааллуқли бўлгандир. Бинобарин, мен бугунги кунда армияга ёмон муносабатда бўлишяпти, деб айта олмайман. Биз ижодий коллективлар, олимлар, ёшлар ташкилотлари, Арманистон комсомоли Марказий Комитети билан яхши алоқадамиз. Республика раҳбарлари ҳарбий қисмларда тез-тез бўлиб туришади. Норасмий ташкилотлар намояндалари билан ҳам алоқа ўрнатилди. Ҳозир кўп мураккаб муаммоларни биргаликда ҳал этишга ҳаракат қиляпмиз.

— Сизнингча, вужудга келган вазиятдан қандай чиқиш мумкин?

— Биринчидан, қуролли гуруҳларнинг қаршима-қаршилигини йўқотишимиз керак, деб ўйлайман. Эҳтиётсизлик билан отилган ҳар қандай ўқ янги можарога сабаб бўлиши мумкин. Иккинчидан, мен бу ҳақда неча бор айтганман, хотиржам музокаралар олиб бориш керак. Рўй берган аҳволдан чиқиш йўлларини топиш учун чидам билан уриниб кўриш мақсадида расмий шахслар, олимлар, ҳуқуқшунослар, тарихчилар ва жамоатчилик вакилларини, ёшларни давра суҳбатига тўплаш лозим. Айни вақтда ана шу йўлларни излаш чоғида одамларнинг фикри, кайфиятини ҳисобга олиш даркор. Мен рус кишиси сифатида, ҳарбий мутахассис сифатида арман ёки озарбайжон халқи хафа қилинган деб хаёлимга ҳам келтирмайман. Тоғли Қорабоғ муаммосининг адолатли ҳал этилиши керакligини ҳамма тушуниб етади, деб ўйлайман. Мен ўз қарашларини ҳимоя қилишда сиёсий нурашдан жиноий иш усулларига ўтишлигига мутлақо қаршиман. Бунга йўл қўйиб бўлмайди, бу жиноятдир. Бунинг учун бизни ҳеч ким кечирмайди.

БАРҚАРОР ТУС ОЛМОҚДА

СТЕПАНАКЕРТ, 24 январь. (ТАСС мухбири). Тоғли Қорабоғ ва унинг тевараги-даги вазиятни ҳозир нисбатан осойишта дейиш мумкин. СССР Ички ишлар министрлиги муваққат матбуот марказида маълум қилишларича, фавқулодда ҳолат эълон қилинган районда ички қўшинлар ва Совет Армияси бўлинмалари, ички ишлар органлари ўтган куни автоном область ва унинг тевараги-даги районларда вазиятни барқарорлаштириш чораларини кўрдилар. Жумладан, Степанакерт— Ағдам — Барда— Евлаҳ— Ужара ва Шуша —Степанакерт — Ағдам йўли очилди, бунда граждан аҳоли фаол иштирок этди. Йўлни очишда область партия, совет ва хўжалик фаолларининг Озарбайжоннинг шу атрофдаги районлари бир қанча аҳоли пунктлари аҳли билан, айрим норасмий ташкилотларнинг вакиллари билан ўтказган учрашувлари кўп жиҳатдан ёрдам берди.

Бироқ ҳозирча йўллар ҳарбий автоколонналар учунгина очилганлигини унутмаслик керак. Граждан автомашиналари бир қанча йўллардан қатнашга ҳали ҳам ботинмаяпти. Темир йўл ҳамон бекор турибди, алоқа ишламаяпти.

Ички қўшинлар бўлинмалари ва ички ишлар органлари СССР Олий Совети Президиумининг «Тоғли Қорабоғ автоном области ва баъзи бошқа районларда фавқулодда ҳолат эълон қилиш тўғрисида»ги фармонини бажаришга доир тадбирларни давом эттирмоқдалар. Яқин вақт ичида фавқулодда ҳолат районида паспорт режимини текшириш юзасидан бир қанча операция ўтказиш режалаштирилмоқда. Йўлларни очиш давом этмоқда.

Кеча комендантлик соатини бузганлик учун 10 киши ушланди.

ХУНРЕЗЛИКНИ ТЎХТАТИНГ!

Неча-неча йиллардан бери тинч-тотув яшаб келаётган икки қўшни халқ — озорлар билан арманлар ўртасига тушган миллий низо туфайли кўчаларда бегуноҳ қурбонлар қони оқмоқда. Айниқса, нажотсиз гўдаклар, мўйсафидлар, муштипар онахонлар бекордан-бекор ўлиб кетмоқдалар. Бу фожиа нафақат жабрдийдалар, балки дили дилига яқин ўзбек халқини ҳам ташвишлантирмоқда.

Бир тўда жангарилар қандайдир «халқ фронти» даъватига кўра, миллат орасига ваҳима солса, аҳоли тинчлигини муҳофаза қилиш ниятида ички ишлар бўлимларида, ҳарбий қисмларда, давлат хавфсизлик комитети омборларида сақланаётган қурол-яроғларни қўлга киритиш учун ҳужум бошласа, муқаддас ва дахлсиз давлат чегаларини оёқ ости қилса, буни қандай тушуниш керак?

Кавказорти диёрида осойишталик ўрнатиш, ғалаёнларни бостириш, қирғинбарот хунрезликни тўхтатиш учун Совет давлати томонидан муайян жойларда фавқулодда ҳолат жорий этилди. Лекин ноўрин қаҳру ғазабдан кўзи қонга тўлган экстремистлар бу одил тадбирни ҳам нотўғри талқин қилмоқдалар. Ахир, мазкур тадбир вазият жуда кескинлашгани, жиноятчи жангари кучлар оммавий тартибсизликлар уюштириб, қонуний иш кўраётган давлат органларини зўравонлик йўли билан ҳокиминятдан четлаштиришга уринаётганликлари муносабати билан ҳамда гражданларнинг хавфсизлигини муҳофаза этиш манфаатларини кўзлаб амалга оширилаяпти-ку.

Мен қадимий дўстларимиз озорларни ҳам, арманларни ҳам инсофга чақириб, «бемаъни қон тўкишни тўхтатинг», демоқчиман. Негаки, бу иztироблар бизга Фарғона воқеаларидан яхши маълум.

Ҳ. ХЎЖАЕВА,
Фарғона район халқ таълими бўлимининг ходими.

КИШАН

Жамият. Инсон. Қонун

Милиция майори Ихтиёрхон Позилхонов суднинг қора курсисига ўзи ҳам, бошқалар ҳам асло кутмаган ҳолда ўтиришга мажбур бўлди. У 1947 йилда туғилган, ўзбек, олий юридик маълумотли, тўрт боланинг отаси, илгари Ўрта Чирчиқ район ички ишлар бўлими бошлиғи бўлиб ишлаган. Ҳуқуқ-тартибот посбонларидан бирининг қамалиб, иши судга оширилгани ҳудди саратонда қор ёққандек бўлди. Ҳамма ҳайрон: саришта, иродали, ноёб ташкилотчилик қобилиятига эга, ўзини тута биладиган, босиқ табиатли бу одам нима гуноҳ қилиб қўйибди? — деб ўйлади кўпчилик. Баъзилар эса ҳатто Позилхонов жиноятга қўл урган бўлса, умуман милиция органларида ўз вазифасини ҳалол бажарадиган кишининг ўзи қолмаган экан-да, дея афсус ила мулоҳаза юритишарди.

У билан мени саксонинчи йилларнинг бошларида Тошкент область ижроия комитети ички ишлар бошқармаси тергов бўлими раҳбари, милиция полковниги Усмонов таништирган эди. Ихтиёрхон унинг муовини бўлиб ишларди. Ҳозир қандайлигини билмайман-у, аммо ўша пайтларда бўлим уюшқоқ, самарали ишлари билан эътибор қозонганди. Ички ишлар министрлигида унинг фаолиятини матбуотда ёритишни тавсия этишди. Мен очерк ёзиб, ёш, бироқ тажрибали, тергов олиб бориш устаси Позилхонов шаънига анча-мунча илиқ гаплар айтганман.

Орадан бир неча йил ўтди. Тўсатдан ҳибсга олиш, қора курси. Позилхонов Ўзбекистон ССР Жиноят кодекси 150-моддасининг 1-банди бўйича айбланган, яъни мавқеи ёки ҳизмат ваколатларини ошириб юборган, деб топилганди. Мазкур ишнинг воқеалар ривожи оддий, ҳаттоки ниҳоятда жўн. Бу ҳақда кейинроқ тўхталамиз. Ҳозир эса Позилхонов беш ярим йил мобайнида босиб ўтган йўл — қамоққа олинишдан бошлаб СССР Олий суди пленумига қадар чеккан азоб-уқубатлари, машаққатлари, инсон қадрини топташга қаратилган ҳақсизликлар ҳақида фикр юритмоқчимиз. Бу узоқ ва оғир йўлнинг асосий босқичлари қуйидагилардир.

1985 йил 26 март. Маҳаллий вақт билан соат 23 да Позилхоновни республика Ички ишлар министрлиги биносида қўлга олишди ҳамда вақтинча ушлаб турилган аванзатага ташлашди. Кийимларини алмаштиришни ҳам унутишмади. Милициядаги доғ тушириш мумкин эмас-да!

Худди шу куни Позилхоновнинг ўринбосари С. Абдуюсупов ҳам қўлга олинган эди. У ўз айбига иқрор бўлгани ҳолда Ихтиёрхонга қарши кўрсатма беришдан бош тортди. Бир хонада ашаддий жиноятчилар билан сақланиб, обдон ишлодан ўтказилгач, уч кундан кейин илтимосга кўнишга мажбур бўлди.

Ўзбекистон ССРнинг собиқ прокурори А. Бутурлиннинг кўрсатмасига кўра дастлабки терговни олиб бориш область прокуратураси тергов қисмининг бошлиғи Баҳодир Бухоровга топширилди. Ў ҳозирги пайтда республика прокуратураси тергов бошқармаси бошлиғининг ўринбосари бўлиб ишлаяпти. Позилхонов қўйилган айбларни бўйнига олмади.

Ўша кезларда мамлакатда қайта қуришни бошлаш ҳамда ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлини танлайдиган КПСС Марказий Комитетининг апрель пленумига саноқли кунлар қолганди.

1985 йил 7 август. Янгийўл район халқ судининг мажлислар зали. Позилхонов билан Абдуюсуповнинг ишлари кўриб чиқилаяпти. Судланувчи Позилхонов ҳеч қандай айбни бўйнига олмади, Абдуюсупов эса ўз қисматини енгиллаштириш мақсадида унга туҳмат қилганлигини айтди... Ғувоҳ Н. Сидельникова ҳам Позилхоновни фош қилишга қаратилган ўз кўрсатмаларини қатъиян рад этди. У терговчилар ва Абдуюсупов милиция бошлиғини «қоралаш»ни астойдил илтимос қилишганини судда очиқ-ойдин айтди. Қўйилган айб бирон-бир далил билан исботлангани йўқ. Аммо Жамолов раислигида ўтган суд ҳайъати судланувчилар, Сидельникова ва бошқа ғувоҳларнинг гапларини инобатга олмади, айбловчи ҳукм чиқарди — Позилхоновга меҳнат ҳақидан 20 фоиз давлат фойдасига ушлаб қолиш шарти билан икки йилга аҳлоқ тузатиш ишларига маҳкум этилди. Абдуюсуповга нисбатан ҳам худди шундай жазо берилди.

Табиийки, Позилхонов бундай ҳукмга норозилик билдирди, айни пайтда прокуратура ҳам таажжубланиб, енгил жазо кўрилди, деб ҳисоблади. Норозилик киритилди. У қондирилди: ҳукм бекор қилиниб, иш судда бошқатдан кўриб чиқиш учун қайтарилди.

Қайта қуришнинг сергаклантирувчи шабадаси тобора кучлироқ эса бошлаган, бироқ ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларини четлаб ўтаётганди.

1985 йил 4 декабрь. Тошкент область судининг А. Ерикалов раислигидаги жиноий ишлар бўйича судлов ҳайъати Позилхоновни уч йил муддатга озодликдан маҳрум этди. У қамоқ муддатини худди қасддан жиноят қилган шахсларга ўхшаб колонияда ўташи керак эди. Ваҳоланки, Позилхонов ўзига қўйилган айбларни асосланмаган деб ҳисоблаб, бутунлай рад этган, Абдуюсупов эса содир бўлган жиноятда шахсан ўзи айбдор эканлигини қайта-қайта таъкидлаганди. Ҳатто гувоҳлар ҳам Позилхонов шаънига бирон-бир айбловчи сўз айтишмади. Тўғрироғи, улар ҳеч нарса дейиша олмасди ҳам, чунки суд эшитишни истамасди.

Позилхонов ва унинг биринчи оқловчиси М. Симкин алоҳида-алоҳида тарзда кассация тариқасида шикоят киритдилар.

Область судининг аъзоси А. Ерикалов орадан кўп ўтмай «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган юрист» фахрий унвонига сазовор бўлди. Баъзилар бунинг Позилхонов ишига ҳеч қандай алоқаси йўқ, деб эътироз билдиришлари мумкин. Мен ҳам тескарисини тасдиқламоқчи эмасман. Эсламиз ўтмоқчиманки, бундай унвон тажрибали, ҳалол юристларгагина берилади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари «қайта қуриш» сўзини яхши кўриб қолдилар, аммо қайта қуришнинг ўзига юқоридан туриб қарай бошладилар. «Пахта иши»номини олган ҳамда бошқа ишлар бўйича республиканинг минглаб бегуноҳ фуқаролари қамоқларга тиқилди. Ўзбошимчалик авжига чиқа борди. Бутурлин ва унга яқин кишилар газеталар, журналлар саҳифаларидан қонунчиликка оғишмай риоя қилишга чақириб турдилар. Гдлян ва унинг мулозимлари фаолияти ҳақида Ўзбекистон жамоатчилиги ҳали ҳеч нима билмас эди — группа ҳозирча панада турганди.

1986 йил 23 январь. Республика Олий судининг жиноий ишлар бўйича судлов ҳайъати Тошкент область судининг Позилхоновга нисбатан чиқарган ҳукмини ўзгаришсиз қолдирди, маҳбус ва унинг оқловчиси киритган кассация тариқасидаги шикоятлари қониқтирилмади.

Позилхонов кўпдан-кўп шикоятлар ёзди, бироқ унинг асосли далиллари «манфаатдор шахслар» томонидан рад этилаверди, кейинчалик эса умуман лом-мим демай қолдирилаверди. Қўлга олинган кунидан бошлаб турли даврларда Позилхоновдан чақимчи, гап ташувчи ва ҳатто очиқдан-очиқ ғиғвогар сифатида фойдаланмоқчи бўлишди. Терговчилардан Карташьян, Литвак, Кунец, Шишелов (ҳаммаси Гдлян группасидан) ундан область ички ишлар бошқармасининг собиқ бошлиғи, «Чурбанов иши» бўйича қораланаётган Д. Жамоловга нисбатан айбловчи кўрсатмалар беришга ундашди.

Ихтиёрхон колонияда бўлган пайтида қурилишда, пахта майдонида астойдил тер тўкиб меҳнат қилди, муддатидан илгари эркинликка чиқиш истагида эди. У ўзига нисбатан қўпол равишда сохталаштирилган ишнинг қайта кўрилишига фақат озодликда бўлганидагина эришиш мумкинлигини яхши тушунарди. Позилхонов умидлари қайта қуриш ғоялари билан чамбарчас боғланиб кетганди. Ихтиёрхон қайта қуришга, адолатга қаттиқ ишонарди!

1986 йил 6 ноябрь. Бўка район халқ суди Я. Ҳайдарова раислигида УЯ 64/38 муассасаси ва район ижроия комитети ҳузуридаги кузатув комиссиясининг биргаликда ёзган тақдимномасини кўриб чиқиб, маҳбус И. Позилхоновни муддатидан бир йилу тўрт ой ва йигирма кун олдин озодликка чиқариш ҳамда колонияда ўтган вақтини — етти ою йигирма беш кунни меҳнат стажига киритиш ҳақидаги қарорга келди. Ажримда кўрсатилишича, Позилхонов «тузалиш йўлига қатъий қадам қўйган». Шундай қилиш керак эди! Содир этмаган гуноҳни учун тавба-тазарру, акс ҳолда сени муддатидан аввал қамоқдан чиқаришмайди.

Позилхонов озод бўлгач, республикадаги жамики ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари раҳбарлари қузурига кирди, шикоятлар қолдирди, ҳеч қандай жиноятга қўл урмаганлигини тушунтирди. Жавоби лоқайдлик билан ёзилган жавоблар бўлди. Жумладан, оқловчи В. Егошин республика прокуратурасидан қуйидаги хатни олди:

«И. Позилхоновнинг қамоққа ҳукм этилиши асослилигига шубҳа билдириб ёзган шикоятингиз кўриб чиқилди ва ҳамда қониқарсиз қолдириладиган бўлди.

Жиноий иш ҳужжатларини текшириш кўрсатишича, Позилхоновнинг жиноят содир этишдаги гуноҳи суд мажлисида исботланган, унинг қилмишларига тўғри юридик баҳо берилган. Позилхонов қонунга муворфиқ ва содир этган жиноятига яраша жазоланган».

Позилхонов юрист-маслаҳатчи бўлиб ишлар экан, ўзининг пок номини оқлаб олиш учун курашни бир кун ҳам тўхтатгани йўқ. Мамлакатда бошланган қайта қуриш янги сифат босқичига кирди — муқаррар тус олди.

1987 йил 16 ноябрь. Позилхонов Москвага учиб борди, уни Иттифоқ прокуратурасининг тергов қисмига чақиришган эди. Терговчи Литвак Д. Жамоловни фош этувчи кўрсатма беришни талаб қилди. Позилхонов бўйин товлади. Уни уч кун қийнқистовга олишди, фойдаси бўлмади. Тошкентга кетишга рухсат беришди. «Ишда мени прогулчи деб ҳисоблашлари мумкин, — деди Позилхонов, — шунинг учун оқловчи ҳужжат ёзиб берингларр». Тергов қисмининг ходими Клоков унинг қўлига тегишли маълумотнома тутқазди. Позилхонов: «Йўлкирамни, ҳар сутка учун харажат пулини ким тўлайди?» —деб қизиқиб кўрди. Шунда Клоков ўзини тутиб тура олмади. «Намунча паст бўлмасанг, Позилхонов!» —деб жеркиб берди. Шунақа гаплар!

Ойлар ўта борди. Позилхонов ўз ишини қайта кўриб чиқишни талаб қилишдан чарчамади. Ниҳоят, республика Олий судининг раиси С. Йигиталиев ишни атрофлича ўрганди-да, норозилик киритди. Бу пайтга келиб Бутурлин битта орденга эга бўлиб, Ўзбекистонни тарк этган эди. Аммо панада юрган Гдлян оқлик чиқди, қайта қуриш ҳам қўлма-қўл қилиб кетди.

1988 йил 28 июль. Ёзнинг ўша жазирама кунида С. Йигиталиев томонидан киритилган норозиликни кўриб чиқаётган республика Олий суди президиумининг мажлиси ҳам қизигандан-қизиди. Ўзбекистон ССР прокурори ўринбосари С. Мирсафоев ишнинг моҳиятига фаросат яхши етгани ҳолда президиумдан норозиликни рад этишни илтимос қилди. Аммо шундай қарор чиқарилди: Тошкент область суди жиноий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг И. Позилхоновга нисбатан 1985 йил 4 декабрда чиқарган ҳукми ва Ўзбекистон ССР Олий суди жиноий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг 1986 йил 23 январдаги ажрими бекор қилинсин ҳамда унинг гуноҳи тақдим этилган айбномада исботлаб берилмагани учун жиноий иш тўхтатилсин. Шу тариқа С. Йигиталиев киритган норозилик қониқтирилди.

Позилхонов тантана қилди! Уни кўл ўтмай КПСС сафига тиклашди. Энди у ички ишлар органларига қайтиш учун елиб-югура бошлади.

Буни қарангки, ишнинг шу ҳилда тус олиши республика прокуратурасига маъқул келмади. Прокуратура Ўзбекистон ССР Олий суди президиуми қарорига нисбатан норозилик киритиб, уни бекор қилишни талаб этди.

Йил охирига бориб С. Йигиталиев лавозимидан бўшатилди...

1989 йил 14 март. Ўзбекистон ССР Олий суди пленуми мазкур суд президиумининг 1988 йил 28 июлдаги қарорини бекор қилиб, республика прокурори киритган норозиликни қониқтирди. Позилхонов эса яна судланувчи ҳолатига тушиб қолди, фарқи шундаки, чўнтагида партия билети бор эди. У ор-номуси, қадрияти ва пок номи учун курашни тўхтатмади!

СССР Олий суди раиси Е. А. Сломенцев Позилхоновнинг шикоятини олгач, ишни чақиртирди. Орадан кўп ўтмай Позилхонов бегуноҳ деган норозилик киритилди.

Гдлян эса фош этилиш ваҳимасида қайта қуришга ёпиша кетди... Бундай тойиқадаги кишилар бизда қанчадан-қанча?!

1989 йил 27 ноябрь. Худди шу куни СССР Олий суди пленуми Е. А. Смоленцевнинг норозилигини қараб чиқиб, қуйидаги қарорга келди: Ўзбекистон ССР Олий суди пленумининг И. Позилхоновга нисбатан чиқарилган 1989 йил 14 мартдаги қарори бекор қилинсин, ўша суд президиумининг 1988 йил 28 июлдаги қарори ўз кучида қолдирилсин.

Ниҳоят, Позилхонов тўла-тўкис оқланди! Унинг судма-суд юриб чеккан азоб-уқубатлари тугади, чунки СССР Олий суди пленумидан юқори судлов органи йўқ.

Энди ҳаммаси нимадан бошлангани ҳақида икки оғиз сўз.

1985 йил 24 мартда, якшанба куни тақминан ярим тунда Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлигидан Позилхоновга телефон қилиб, у эрталаб кейинги икки ой мобайнидаги ишлар юзасидан ҳисобот билан министрнинг биринчи ўринбосари Э. Дидоренко ҳузурида бўлиш лозимлигини айтишди.

Суҳбат чоғида Дидоренко ўзини дўстона тутди, унинг сўзларини бўлмасдан тингланди, чой ва конфетлар билан сийлади. «Бундай мулозамат тагида қандай гап ётганийкин? — ўзича фол очарди Позилхонов. Дидоренко унинг туриш-турмуши, қариндош-уруғлари ҳақида сўраб-суриштирар экан, қандайдир нарсаларни ёзиб қўярди. Сўнгра Позилхоновнинг ички ишлар бошқармаси бошлиғи Жамолов билан муносабатларига қизиқди. Ихтиёрхон у билан хизмат ишларидан бошқа ҳеч қандай муомалада бўлмаганлигини айтди.

— Ростини гапир, Позилхонов, 1984 йил мартида бўлимингдаги вақтинча сақлаш аванзасидан қочиш содир бўлганми? — сўради Дидоренко.

— Бўлган, — деб жавоб қайтарди майор.

Ўша пайтда халқ судида А. Абдусаломов деган кимсанинг жиноий иши кўрилаётган эди. У милиция район бўлимининг вақтинча сақлаш аванзасида ушлаб турилганди. Позилхоновнинг ўринбосари Абдуюсупов у билан муомалада қонунга зид йўл тутди: ўз хонасида гражданка Сидельникова билан учрашишга имкон яратиб берди, тўрт маротаба бошқа ерда жойлашган ҳаммомга боришга рухсат этди, бир маротаба эса уйига соқчисиз қўйиб юборди. Абдусаломов ўзига берилган эркинликдан фойдаланиб қочиб қолди. Позилхонов бундан хабар топгач, қочоқни ушлаш бўйича бир нечта оператив группа тузди, биттасига шахсан ўзи бошчилик қилди. Орадан кўп ўтмай Абдусаломов яна аванзатага келиб тушди. Суд жараёни атиги бир кунгина кечиктирилди, холос. Абдусаломовни Позилхонов группаси Олмаотада қўлга олди.

— Ички ишлар бошқармаси раҳбариятига қочиш содир бўлгани ҳақида хабар берганмисан? — сўради генерал.

— Йўқ, маълум қилмаганман, — дейди Позилхонов. Аслини олганда аксинча эди.

Нега бундай жавоб берди? «Дидоренконинг ғаш оҳанги ва пичингидан мен раҳбарият оғзаки ахборотимни тасдиқламаганини тушуниб қолдим, — изоҳ берди майор. — Аслида ҳам шундай бўлиб чиқди. Оғзаки ахборотимни қандай қилиб ҳам исботлай олардим...»

— Бизда шундай маълумотлар бор, — қуруққина қилиб деди Дидоренко. — Абдуюсупов сенинг кўрсатманг бўйича Абдусаломов билан жиноий ишга қўл урган. Шундай эмасми?

— Бу гапнинг турган-битгани ёлғон, — деди Позилхонов.— Мен уларнинг алоқаларидан мутлақо бехабар бўлганман.

— Ҳозир боргин-да, тушунтириш хати ёз... Кейин яна гаплашамиз, — деди важоҳатли генерал.

Позилхонов инспекция бўлими бошлиғи А. Радченко хонасида ўтириб муфассал изоҳнома ёзди. Дидоренко эса уни фақат кечга бориб яна қабул қилди.

— Қалай, Жамолов ҳақида гаплашамизми? — суҳбат орасида шаъма қилиб ўтди генерал.

— Мен унинг билан ўз муносабатларим ҳақида сизга ҳаммасини айтдим. Хизмат доирасидан ташқари алоқада бўлмаганмиз, — жавоб берди майор.

Суҳбат эрталаб соат бешга қадар давом этди. Шундан сўнг Позилхонов Радченконинг хонасида ўз қисматини кутиб ўтираверди. Кун бўйи кутди. Айни шу пайтда уйида, қариндошларининкида тинтув бўлаётганини у билмасди. Шундай фикр хаёлига ҳам келмаган эди. У Ўзбекистон ССР Жиноят Кодексининг 150-моддаси бўйича айбланишдан кўрқар эди. Аммо у моддада молмулкни мусодара қилиш кўзда тутилмаганди, демак, тинтув ўтказилса, қонунга зид бўларди. Айниқса қариндошларининкида. Бироқ ўзбошимчалик ижодкорлари бунга қараб ўтирмадилар, ўз мақсадлари йўлида ҳеч нарсадан тап тортмадилар.

Табиийки, шов-шув бўладиган ҳеч нарса топиша олмади. Позилхоновнинг уйидан унинг чарм пальтоси, фотоаппарат, костюм, 400 сўм пул чиқди, холос. Генерал Дидоренко қошларини чимирди, қовоғини уйди — такрорий тинтув ўтказилди. Позилхоновнинг хонадони, ҳовлисида минаизлагич билан ҳаммаёқни текшириб чиқишди. Хазинадан ном-нишон йўқ эди. Аввалги бўюмларга қўшимча қилиб анча у уринби қолган иккита гилам, сервиз, эркаклар ининг бешта янги кўйлаги ва ўнта майка билан труси, хотини ва қизининг қулоғидаги тилла зираклар олиб кетилди.

Позилхонов ҳали буларнинг ҳаммасидан бехабар эди, бироқ Дидоренко унинг ишини «ёпиб» кетишни кўзлаётганини сезиб турарди. Радченко ва жиноят қидирув бошқармаси бошлиғининг ўринбосари С. Черний изма-из таъқиб қилишаётганини, министрлик биносидан чиқишга рухсат беришмаганини сезганидан кейингина ташвишлана бошлади. Шунга қарамай у ўзини ушлаб турди: асабларига эрк бермади. Ҳатто сартарошхонага бориб соқолини олдирди. Радченко эса уни бир зум ҳоли қўймади. «Мен ҳеч қаерга қочиб кетмайман, бунга ҳожат ҳам йўқ», — хотиржам қилди Позилхонов ўз қўрқинчисини. Кечқурун прокуратура терговчиси Б. Бухоров келиб, сўроқ қилди. Тунги соат ўн бирда майорни ертўлага — вақтинча сақлаш аванзасига туширишдилар. У ерда ёлғиз қолган Позилхонов аччиқ алам билан ўзидан ўзи сўрарди: «Қайси гуноҳларим учун шундай қилишяпти?!» Орадан уч кун ўтгач, область прокурори Э. Жўраев унинг қамоққа олинишига рухсатнома ёзиб берди.

Ўрта Чирчиқ район ички ишлар бўлими ағдар-тўнтар қилиб юборилди. Барча йўналишда — тергов, ГАИ, ОБХСС, жиноят қидирув бўйича «қайтарилган» ишлар ўрганиб чиқилди, бироқ бирон-бир тарзда қонунчилик бузилганлиги аниқланмади. Бундай «босқинчилик» илҳомчиларининг ўзлари эса ҳеч тап тортмай ва қўрқмай ҳуқуқ нормаларини бузавердилар. Позилхонов вақтинча сақлаш аванзасида икки ой азоб чекди (қонунга кўра, агар турма шаҳар чегарасида бўлса, уч кундан знёд ушлаб туриш мумкин эмас), уни ташқарига сайлга олиб чиқишмас эди. Тан олинадиган кўрсатмага эга бўлиш учун ёнига ашаддий жиноятчиларни киритиб қўйишди. Ғувоҳлик олиш мақсадида ашаддий жиноятчиларга таяниш йўли тутилган экан, қонунчиликка риоя қилиш ҳақида қандай гап бўлиши мумкин? Генерал Дидоренко бунда ҳеч қандай зиддият йўқ деб ҳисобларди. Унинг иш услуби шундай бўлган.

Абдуюсупов, Сидельниковани ишлаш давом этди. Улар Позилхоновга нисбатан сохта кўрсатма бердилар. Терговчи Бухоров айбловчи хулоса ижод қилди, иш судга оширилди. Аммо биринчи қунёқ чоқчокидан сўкилиб кетди. Шунга қарамай судья Жамолов юқоридан бўлган тазйиқ остида ҳукм чиқарди. У юмшоқ бўлса-да, лекин айбловчи, асосланмаган ҳукм эди.

— Ихтиёрхон, сиз Бухоров икки ўт орасида қолиб виждонан қийналган, деб ҳисоблайсизми? — сўрайман Позилхоновдан. — Чунки Йигиталиевдан, сўнгра эса республика Олий суди президиуми аъзоларидан бўлак ҳеч ким сизни айбсиз айбдор деб билмасди-ку...

Позилхонов гўё қизиқ бир ҳангомани эслагандек кулиб юборди:

— Бухоровга бундай баҳо бериш учун одам ниҳоятда гўл бўлиши керак. Илҳомчилари каби унинг ўзи ҳам қонунсизлик қилаётгани, буюртмани бажараётганини яхши тушунарди... Бироқ, биласизми, ёлғончилик, ўзбошимчалик гирдобига тушиб қолган кишиларнинг ҳаммасига юрак-юрагимдан ачиняман. Улар ақл, қобилият, мустаҳкам билимга таяниб иш кўрадиган кишилар эмас, балки лоқайд, ихтиёри ўзида бўлмаган, катталарга қуллуқ қиладиган, ўзларига берилган ролни итоаткорлик билан қойилмақом қилиб ўйнайдиган шахслардир.

Ҳа, Позилхонов ҳақ. Ношуд, баҳритош, саводсиз кишилар ўзбошимчаликнинг генерал қиймидаги ашаддий ишқибозлари нимани буюрсалар, чўрқ этмай бажариб кетишаверади. Шундай экан, биринчи навбатда ўз қўллари остидаги ходимларни қабоҳат ва разолатга ўргатаётган ўша мартабали шахсларни қаттиқ жазолаш керак.

Областнинг собиқ прокурори, ҳозирги пайтда республика прокуратурасида ишлаб турган Э. Жўраевнинг нуқтаи назарига тўхтаб ўтайлик.

— Тўғри, Позилхоновни қамоққа олиш учун мен рухсатнома ёзиб берганман, — дейди Эргаш Жўраевич. — Нима учун? Биринчидан, қонуннинг ҳаракатини ўзгартиришга ҳеч ким ҳақ берилмаган. Иккинчидан эса унга қаршн Абдуюсупов ва Сидельникованинг кўрсатмалари бор эди. Туҳмат қилишганини улар фақат судда тан олишди. Демак, Позилхоновни қамаш учун асос етарли эди. Агар ростига кўчадиган бўлсак, юқоридан тазйиқ ҳам ўтказилган... Ҳатто область партия комитетининг собиқ иккинчи секретари Нестеренко бу ишни такрорий равишда ички ишлар бошқармаси биносида кўриб чиқишни талаб этган эди. Позилхоновнинг қамқасбларига танбеҳ бўлсин учун... Қисқаси, иш натижаси яхши бўлиб чиқмади...

Мен Позилхонов иши юзасидан Ўзбекистон ССР Олий судининг ҳозирги раиси Б. М. Маликов билан суҳбатлашдим.

— Мазкур иш юзасидан йўл қўйилган хатони, — деди Бобир Мажидович, — Олий суд пленуми тузатди. Позилхонов ҳаққоний равишда оқланди. Шуниси ҳам борки, бизнинг судимиз пленуми президиум қарорини бекор қилиб, республика прокуратураси норозилигини қониқтирган ҳолда СССР Олий судига тақдимнома киритган эди. Менинг қатъий фикрим шуки, Позилхонов жиноят қилмаган. Мамлакатнинг Олий суди пленуми Смоленцев томонидан киритилган норозиликни қараб чиқаётган пайтда мен сўз олиб пленум аъзоларига ўз нуқтаи назаримизни баён этдим. Позилхонов оқланганида чуқур қониқиш ҳосил қилдим.

Милиция майорини жиноий жавобгарликка тортган, унинг тақдирини поймол этган кишиларнинг мақсади нима эди? Бу саволга илгари прокуратура органларида ишлаган, ҳозир эса оқловчи В. Егошин ишончли жавоб берди.

— Мен бир нечта «овозаси кетган суд жараёнларида» (жумладан «Чурбанов иши»да ҳам) қатнашиб, судланувчиларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатганман, — дея ҳикоя қилади В. Егошин. — Ҳозир узил-кесил шундай фикрга келганман — Бутурлин, Гдлян, Дидоренконинг тиллари бир бўлган. Улар ягона программа бўйича «ишлаганлар» — «шов-шувли ишлар» қанча кўпайса, шунча яхши эди. Кейинроқ, яъни ўзбошимчалик авжига чиққанидан кейин ораларидан ола мушук ўтиб қолди. Мен улар олиб борган тергов технологиясини ўрганиб чиқдим. Бу жуда оддий бўлиб, Позилхонов ишида ҳам яққол кўзга ташланади. Бутурлин ва Гдлянга (унинг терговчилари майорга «соқчилик» қилишгани бежиз эмас). Д. Жамоловни ёмонотлиқ қиладиган кўрсатмалар керак эди. Бундай гувоҳликни ким бериши мумкин? Ўз-ўзидан равшанки, унга бўйсунадиган, айни пайтда ўзи ҳам «қўли қуйган» одам-да. Генерал Дидоренко шундай кишини излай-излай Абдуюсуповни топди. Аммо Абдуюсупов бевосита ички ишлар бошқармаси бошлиғи билан алоқа қилмас эди. Позилхонов эса бошқа гап! Шундан кейин уни Абдуюсупов иши билан боғлашди, қамоқни кўрсатиб қўрқитмоқчи бўлишди, Жамоловга, бошқа раҳбарларга нисбатан кўрсатмалар беришни талаб этишди. Позилхонов эса бундан бош тортди. У турган аванзатага ашаддий жиноятчи-агентларни киритишди. Бироқ Позилхонов букилмади. Иш чиппакка чиқди! Бундай пайтларда кўпчилик тоб бера олмайди, туҳмат қилишга кўна қолади... Ҳатто ўзи қилмаган айбини ҳам бўйнига олади. «Қайсар» одамни нима қилса бўлади? У нега қамалганини бирор йўл билан оқлаш керак эди-да. Мана шунинг учун қалбаки иш қўзғатилди, унга қарши далиллар тўплана бошлади, бунинг учун мурувват кўрсатиш баҳонасида «қўли қуйган» кишилардан фойдаланилди. Уларнинг қўлида ҳатто Сидельниковани ёмонотлиқ қиладиган ҳужжатлар бор эди. Ҳозир у бошқа иш юзасидан жазога маҳкум этилган. Виждонли гувоҳлар сохта кўрсатма беришмайди. Ишончим комилки, агар Позилхонов Жамоловга нисбатан туҳмат қилганида бунчалик оғир аҳволда қолмаган бўларди. Ҳа, балки Абдуюсупов ҳам сувдан қуруқ чиқармиди! «Бухоро иши»ни бир эслаб кўринг. СССР Олий Совети Президиумининг 1989 йил 21 майда барча марказий ва республика газеталарида босилиб чиққан ахборотида шундай дейилган: «Гдлян группасининг терговчилари айбловчи томоннинг «ишончли» гувоҳларини олишга интилиб, пора берувчилар ва воситачиларни, шунингдек оғир жиноятлар қилган бошқа шахсларни жиноий жавобгарликдан асоссиз озод қилишган». Кўраяпсизми, ҳаммаси қанчалик оддий, айни пайтда мунофиқона!

Бу очеркда баён этилган далиллар, шунингдек, бошқа ўнлаб мисолларни Ихтиёрхон Позилхонов СССР халқ депутатлари съездининг ҳозирги пайтда Ўзбекистонда ишлаб турган СССР прокуратурасининг Т. Гдлян бошчилик қилган тергов группаси фаолияти билан боғлиқ материалларни ўрганиш бўйича комиссияси аъзоларига муфассал айтиб берди.

А. КОВАЛЕВ.

СПОРТ ахборот

ЭРКИН КУРАШ

АҚШ терма командасининг эркин курашчилари мамлакатимиз терма командаси билан иккинчи ўртоқлик учрашувини ўтказдилар. Оржоникидзе шаҳрида бўлган матч совет полвонларига ғалаба келтирди — 7:3.

Дастлаб меҳмонлар ўзларини кўрсатишди. Тажрибали Т. Вейни (48 килограммгача) ёш курашчи Халтановни ажойиб усулда енгди. Шундан сўнг майдон эгалари ташаббусни ўз қўлларига олдилар. Жаҳон кубоги соҳиби В. Тогузов (52 килограммгача) Э. Гизининг, О. Афандиев (57 килограммгача) Б. Пинрининг, В. Богиев (62 килограммгача) Д. Фишернинг курагини ерга тегиздилар.

68 килограммгача вазнда Д. Жил А. Маталибовдан устун келди. Н. Гажиходжаев (74 килограммгача) Р. Коллни баллар бўйича ютди.

К. Жонсон (82 килограммгача вазнда) чиройли усулда мамлакатимизнинг кучли спортчиси Р. Келесхаевни мағлубиятга учратди. 90 килограммгача вазнда Д. Тедиев зафар қучди. У кескин курашда Д. Черни енгди.

100 килограммгача вазнда республикамиз вакили, жаҳон чемпиони Махарбек Хадарцев К. Трос билан беллашди. Бунда ҳақамлар тажрибали полвонимиз қўлини кўтардилар. Сўнгги учрашувда ўсмирлар ўртасида жаҳон чемпиони О. Наниев (130 килограммгача) Д. Гринлидан устун келди.

БОКС

Шу кунларда мамлакатимиз чарм қўлқоп мухлисларининг эътибори Луцк шаҳрига қаратилган. Бу ерда СССР чемпионати қизғин паллага кирди.

Куни кеча чорак финал учрашувлари бўлиб ўтди. Томошабинлар аниқса оғир вазндаги боксчилар ўртасидаги «жанг»ларни катта қизиқиш билан кузатдилар. Қозоғистонлик Серек Умрибеков Европа чемпионатининг кумуш медали соҳиби Евгений Судаковни (Димитров град) мағлубиятга учратди. Унинг командадоши Игорь Шишкин луцклик Роман Елушенко қаршилигини енгди.

Шунингдек, қозоғистонлик Михаил Юрченко ва РСФСР вакили Евгений Белусов ҳам ярим финалга чиқдилар.

ШАХМАТ

Илгари хабар берганимиздек, Варшавада анъанавий халқаро мусобақа давом этмоқда. Унда 13 шахматчи қатнашаяпти. Улар орасида тўрт гроссмейстер ҳам бор.

Ўн биринчи турда мусобақа пешқадами ГДР вакили, халқаро мастер Рай Тишбирек совет шахматчиси Валерий Чехов билан дуранг ўйнади. Ларс Бо Хансен (Дания) — Владимир Епишин партиясида ҳам қучлар тенг келди.

Юрий Балашов польшалик Александр Шнапикни, Роберт Кучиньский (Польша) Александр Гольдинни енгдилар.

Ўн бир турдан сўнг 7 тадан очко тўплаган Тишбирек ва Кукиньский пешқадамлик қилишаяпти. Кейинги ўринларни Балашов ҳамда Чехов (6,5), Епишин (6) эгаллаб туришибди.

ХОККЕЙ

Олий лигада икки учрашув бўлиб ўтди. Москвада пойтахтнинг «Динамо» ва МАСК командалари ўзаро куч синашдилар. Ўйин давомида рақибларига нисбатан уюшқоқликда ҳаракат қилган армиячилар 2:1 ҳисобида ғолиб чиқдилар.

Горькийнинг «Торпедо» командаси ўз майдонида Киевнинг «Сокол» клубини мағлубиятга учратди — 5:2.

ВОЛЕЙБОЛ

Голландиянинг «Аверо Олимпус» клубини 3:1 ҳисобида енгган Свердловскнинг «Уралочка» командаси Европа чемпионлари кубогининг ҳал қилувчи финалида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Муҳаррир
А. Ғ. МУХТОРОВ.

САНЪАТ ЧАШМАСИ

Олтин водий одамларининг дилкашлиги, санъатсеварлиги, ҳазилкашлиги, меҳмондўстлиги кўпчиликка маълум. Ўзбек миллий санъатини камол топтиришда фидойи бўлган Ҳалима Носирова, Мукаррама Турғунбоева, Аббос Бакиров, Муроджон Аҳмедов, Камолиддин Раҳимов, Шерали Жўраев ҳақида гап борар экан, уларга қанот бағишлаган она диёр кенгликлари, қорли тоғларию шўх оқар анҳорлари кўз олдингизга келади, от чоптириб келиб, шаршара бўйида тўйиб-тўйиб куйлаган чўпон қизи Санобар Раҳмонова бир зум нигоҳингиз қаршисида пайдо бўлади.

Избоскан районидаги «Партия XX съезди колхозининг «Гулдаста» ашула ва рақс ансамбли халқ истеъдодларининг орзу-умидлари рўёбга чиқадиган ана шундай санъат чашмаларидан бири. У ҳаваскор ёшларни тарбиялаш, ўзбек ва қардош халқлар классик куй-қўшиқларини тарғиб қилиш соҳасидаги фаол ишлари учун Андижон область Ленин комсомоли мукофотининг совриндори бўлган.

Айниқса коллективнинг хорижий мамлакатларга сафарлари муваффақиятли ўтгани кишини мамнун этади. Ўктамжон Собиров раҳбарлик қилаётган қишлоқ ҳаваскорлари концертдаги ҳар бир чиқишга катта масъулият билан қарайдилар. Шунинг учун ҳам уларнинг Болгария, Руминия, Польша халқлари ҳузурига гастроллари ўзбек миллий санъатининг чинакам байрамига айланди.

Яқинда Фарғона шаҳрида водий бадиий ҳаваскорлик коллективларининг кўрик-конкурси бўлади. «Гулдаста» ҳозир ана шу синовга қизғин тайёргарлик кўрмоқда. Ансамблнинг янги концерт программаси санъат шинавандларига маъқул тушса, айни муддаодир.

СУРАТДА: бадиий раҳбар Ў. Собиров (ўнгда) ансамбль қатнашчилари билан машғулот пайтида.

Б. АЛИМОВ олган сурат.

«ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ»— «СЕЛЬСКАЯ ПРАВД